



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 26 июнь, пайшанба • 26 (3502)-сон

ДЕҲҚОНГА ҲАММА МАДАДКОР



Оқдарё тумани Зарафшон дарёсининг ши-молида жойлашган. Бу йил туманда 10 минг 395 гектар майдонга дон экилган. Ҳозирда мавсумга жалб этилган барча транспорт воситалари далаларга чиқарилди. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари галла экилган майдонларнинг атрофи ва мавжуд техникалар ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб беришини текшириб чиқишди. ИПХ ходимларининг хизмати

ҳам беқийёс. Улар дон ташувчи транспортлар ҳаракатланадиган йўллар равон бўлиши, йўл белгилари билан тўлиқ таъминланишига эришмоқдалар.

Суратда: бир гуруҳ ички ишлар ходимлари, маҳаллаларнинг фаоллари ҳамда кекса отахонлар мавсумни талафотсиз ўтказиш ҳақида суҳбатлашишяпти.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

«Галла – 2003»

ХИРМОН МЎЛ БЎЛАДИ

Сурхондарё вилоятининг Қизириқ ва Сарийосиё туманлари галлакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб шартномавий мажбуриятларини адо этдилар. Шу муносабат билан Юртбошимиз заҳматкаш ва лафзи ҳалол миришкорларга табрик телеграммаси йўллаганидан барчамизнинг хабаримиз бор.

Шу кунларда бошқа вилоятларда ҳам йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Галла – 2003» тезкор штабига профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва фаоллар иштирокида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида пешма-пеш маълумотлар келиб тушмоқда. Бу йилги хирмон мўл бўлиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Шу сонга хабар

ФАЙЗЛИ ШОДИЁНА

Республика ИИБ Марказий шифохонасида тиббиёт ходимларининг касб кунини кенг нишонланди. Тантананада тиббиёт хизмати фахрийлари, айти кунларда бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган шифокорлар қатнашдилар.

Шодиёна қатнашчиларини республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров, ИИБ Тиббиёт бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги С. Толипов ва бошқалар самимий табрикладилар.

Фахрийлар ва тажрибали ходимлардан бир гуруҳига вазирлик ҳамда Тиббиёт бошқармасининг фахрий ёрликлари, шунингдек қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тўқин дастурхон атрофидан жой олган меҳмонларни таникли санъаткорларнинг чиқиши хушнуд этди.

М. БОЙМИРЗАЕВА.

«ОҚТОШ» — БОЛАЛАР МАСКАНИ

Бу йилдан бошлаб республика Ички ишлар вазирлиги ходимларининг фарзандлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳда ёзги таътилларини ўтказадиган бўлишди. Оромгоҳнинг аниқроқ манзили туманнинг Оқтош деган сўлим гўшасидир. Унинг ўзи ҳам шундай аталади – «ОҚТОШ».

Бу ерда барча ишлар дид билан бажарилган. Масалан, кинотеатрни олайлик. Унинг ўриндиқлари сифатида тоғ нишаблигидан моҳирона фойдаланилган. Оромгоҳ раҳбари А. Ризаевнинг айтишича, болаларнинг кўнглини дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Турли спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари, теннис столлари улар хизматида. Тарбиячиларнинг ҳаммаси тажрибали.

– Оромгоҳда кутубхона, моҳир кўллар тўғарақлари фаолият кўрсатмоқда, – дейди катта тарбиячи А. Шетинина. – Болалар турли танловларда қатнашишади, театрлаштирилган томошалар кўядилар.

Болажонлар ўз вақтида қабул қилиниши учун республика ИИБ Хўжалик бошқармаси раҳбарияти барча чораларни кўрди. Бу ерда бир сменада 400 нафар бола ҳордиқ чиқаради. Ўтган шанба кунини дам олиш мавсумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Н. Расулов иштирок этиб, болажонларни ёзги мавсум бошлангани билан табриклади.

Ўз мухбиримиз.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



● Туркия иттифоқчи мамлакатларга ўз портлари ва авиабазаларидан Ироқни қайта тиклаш учун турли материаллар ва техника ташинишда фойдаланишга рухсат берди. Ҳарбий юкларни Туркия орқали ташинишга эса ҳали ҳам рухсат йўқ.

Мамлакат қуроли кучлари раҳбарлари тез орада айнан қайси порт ва аэродромлар юк ташинишда фойдаланиш учун ажратилишини ҳал қилдилар.

● Эрон Саудия Арабистонига «Ал-Қоида» жангариларини топширишга қарор қилди. Улар Саудия Арабистони фуқаролари бўлиб, Эрон қамоқхоналарида сақланган эди. Жангарилар

Эр-Риёд шаҳрида содир этилган, 35 кишининг нобуд бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатига алоқадор деб тахмин қилинмоқда.

● Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида иорданиялик 26 ёшли Шоди Абдулла устидан суд жараёни бошланди. У «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти фаолиятига алоқадорликда айбланыпти.

● Россия ва Лаос илгари ажратилган кредитлар бўйича қарзларни мувофиқлаштириш борасида меморандумни имзоладилар. Россия Бош вазирини Михаил Касьяновнинг сўзларига қараганда, Россия Лаоснинг 70 фоиз қарзидан кечадди. Қолган 380 миллион АҚШ долларини эса Лаос 33 йил мобайнида рублда тўлайди.

УШИНЧИ «Постда» газетасининг янги ТВ ЛАМ

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хабарингиз бор, республика ИИБ Бирлашган тахририяти нашрлари – «Постда» ва «На посту» газеталари, «Qalqon» ва «Шит» журналларига жорий йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлиш Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида тахририятнинг ўзида, нақд пул топшириш ва ҳисоб рақамимизга пул ўтказиш орқали амалга оширилди. Аммо кўпчилик ички ишлар идоралари нашрларимиздан қай бирига обуна бўлгани ва уларни қайси манзилга етказиб беришимиз кераклиги ҳақида маълумот бермаганлар. Шу сабабли Тошкент вилояти ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ тизимидаги идораларнинг раҳбарлари шу йил 30 июнгача республика ИИБ Бирлашган тахририятига бу ҳақда расмий хат билан маълум қилишларини сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: 139-75-37, 139-77-23.

«Галла – 2003»

КАМАРБАСТАМИЗ

Бу йилги дон ҳосилини нобудгарчиликларсиз йиштириб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур Қарор биз, ички ишлар ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Чунончи, галла ўрим-йиғимига тайёргарлик кўриш ва етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобудгарчиликларсиз йиштириб олиб, давлат омборларига ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал қилиш шулар жумласидандир.

Хўжабод тумани бўйича бу йилги мавсумга 43 та трактор, 47 та автомашина, 12 та комбайн иштирок этапти. Шу кунгача йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ходимлари томонидан техника ва механизмларнинг техник ҳолати қатъий назоратдан ўтказилди.

Хар бир ҳайдовчи транспортларни носоз ҳолда бошқармаслик, йўл қондаларини бузмаслик, донни ташишда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Шунингдек, хўжаликларда дон нобудгарчилигининг олдини олиш ва ҳосилни қабул пунктларига беталафот етказиш мақсадида автоназорат машиналари ташкил этилди. Булардан ташқари дон талон-торож бўлишининг олдини олиш мақсадида қўшимча назорат масканлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ё. БОЗОРОВ,
милиция майори.



НАСИБАСИ БУТУН ХАЛҚМИЗ

Беруний тумани далаларида деҳқонларнинг хуш кайфиятини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

– Кузда 4200 гектар ерга буғдой экандик, – деди ҳамроҳимиз, туман сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Нурумбетов. – Об-ҳавонинг нуқул келиши ўримни сал кечиктирди. Лекин ҳосилнинг чўғи мўл. Ҳозирда 12 та "Класс" комбайни ўримга шай турибди. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари уларни назоратдан ўтказдилар.

Туман ИИБ ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ташмачиликнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирлар ўтказишяпти.

– Деҳқонлар учун профилактика инспекторларининг кўмаги катта бўлмоқда, – деб суҳбатга қўшилди Навоий номли ширкат хўжалиги раиси Бахтиёр Эшчанов. – Уч юз гектар майдондаги бўлиқ бошоқлар кўзни қамаштиради. Албатта, унга кўз олайтирувчилар ҳам топилади. Бироқ осойишталик посбонлари ўз постларида хушёр туришибди. Туман ИИБ раҳбарияти томонидан хўжалигимиздаги 46-милиция таянч пункти замонавий алоқа воситалари билан таъминланди. Кўрилаётган барча чора-тадбирлар халқнинг ризқи бутун, дастурхони тўкин бўлишига қаратилган.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: туман ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани Бахтиёр Абдуллаев хизмат пайтида.

О. ОТАЖАНОВ олган сурат.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Тахририятимизда доимо жўшқин ҳаёт кечади. Иилнинг бошида Обод маҳалла йили муносабати билан "Постда" газетасида янги саҳифа ташкил этмоқчи бўлдик. Муҳокамага тўпланган ижодий ходимлар ўз таклифларини билдиришди. Кимдир "Маҳалланг – Ватанинг, ота-онанг", кимдир "Ватан – маҳалладан бошланади" деган номни айтса, яна бири "Маҳаллага бирлашган ўзар" деб атасак яхши бўлади, деди. Бошқа биров янги саҳифани "Осойишта маҳалла обод бўлади" деб номлашни таклиф этди. Ҳар ким ўз фикрида ҳақ бўлгани учун бироз баҳслашиб ҳам олдик. Ниҳоят ҳамма сўнгги таклифни маъқуллади. Саҳифанинг бундай аталиши бизнинг тизимга хос эди. Зеро, милициянинг биринчи галдаги вазифаси юрт тинчлиги, аҳоли осойишталигини таъминлашдир. Демак, маҳалла осойишта бўлсагина ушбу гўшада ободончиликка эришиш мумкин.

Шу тарзда газетамизда маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишлар, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссиялари, мурабий-тарбиячилар ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти, уларнинг ҳамкорлигини ахс эттирувчи янги саҳифа пайдо бўлди. Биз, журналистлар бундай ижо-

д бўлса керак, тобора журналистларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшилиб, маҳорати ошиб бораёпти. Яна бир томони бу ижодий муҳитга ўз таъсирини кўрсатаёпти. Нашрларимизда ёритилаётган материаллар долзарб, пишиқпхта; ўқимишли эканлиги билан кўзга ташланмоқда. Кўп сонли муштарийлар

римиз, техник хизматчилар муносиб улуш қўшишяпти.

Тахририят жамоасининг вилоятлар ички ишлар бошқармалари газеталари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида, тахририятда ушбу газеталар муҳаррирлари, мухбирлар ва техник ходимларининг малака ошириши ташкил этилди. Белгиланган

Малака оширишга келган бошқа ходимлар ҳам Эркинжон каби илиқ сўзларни айтишди. Бундай мақтовлар бизни янги зафарлар сари руҳлантиради, албатта. Келгуси вазифаларни белгилашда вилоятлардаги матбуот гуруҳлари ходимлари, ортимиздан эргашаётган жамоатчи мухбирлар, ёш қаламкашларнинг имкони-



МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ

дий баҳсларнинг фойдаси катта эканлигини яхши биламиз. Бинобарин, ана шу тортишувларда янги гоёлар туғилади, муҳим йўналишлар белгиланади, долзарб мавзулар юзага келади. Нашрларимизни кузатиб бораётган зукко муштарийлар газета саҳифаларидан ўрин олаётган ранг-баранг мақолалар, саҳифалар, рукнлар, мавзулар тинимсиз изланишлар меваси эканлигини билиб олиши қийин эмас.

Эртага – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Журналистлик касби орқали хурмат-эътибор топаётган инсонлар қалбига ширин туйғулар олиб кирган айём арафасида жамоамиз аъзолари тахририят маъмурияти ва касба уюшмаси ташаббуси билан Паркент туманидаги "Қизил сой" дам олиш масканига боришди. Очиги, кейинги йилларда ишдан холи, табиат бағрида бу даражада мириқмаган эдик. Ястаниб ётган тоғ этагидаги сўлим жойлар, мусаффо ҳаво, шарқираб оқаятган зилот сувдан баҳри дилимиз очилди. Ҳаммамиз маза қилиб дам олдик. Журналист яйрадим, илҳоми келади, мавзулар кўпаяди. Буни яхши билган Бош муҳарриримиз ходимларнинг бўш вақтини кўнгилли ва мазмунли ўтказиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераёпти. Шундан

билдираётган мулоҳазалардан "Постда" газетасидаги "Учинчи олам", "Нихол" саҳифалари, ҳуқуқий мавзудаги мутахассислар маслаҳати, "Жинойтга жазо муқаррар!" рукни остида берилаётган мақолалар, "На посту" газетасидан ўрин олаётган чет эл полицияси ҳаётига оид материаллар кўпроқ маъқул бўлаётганини билиб олаяпмиз. "Qalqon" ва "Шит" журналларида илмий-таҳлилий, мулоҳазали ва муаммоли мақолалар кўпайгани қувонч билан таъкидланаёпти. Биргина "Постда" газетаси 2003 йилнинг ўтган даврида 2590 тадан ортиқ хат-хабарлар олгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Нашрларимиз оммавийлашиб, тобора шаклланиб боришига бўлим мудирини Лейла Шахназарова, кўнучак мухбирларимиз Бобомурод Тошев, Шахзода Худойбердиева, Садриддин Шамсиддинов, Леонид Киляшко, Ирина Сайфутдинова, мусаххихлар Гавҳар Холликова, Любовь Мухаммеджанова, саҳифаловчилар Зокиржон Болтаев, Вадим Филиппов, компьютерчи-операторлар Гулнора Содикова, Гўзал Жаъфарова, Елена Гаврина, вилоятлардаги ўз мухбирларимиз Худойберган Жабборов, Дурдубой Худойшукуров, Борис Клейман, Мухаммадрасул Кимсанбоев, Дилбар Салоҳиддинова ва яна кўплаб ижодкор ҳамкасблар

жадвалга кўра Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё, Андижон вилоятларининг "Халқ посбони", "Посбон", "Осойишталик учун" "Қонун йўлида" газеталаридан вакиллар келиб, нашрларимизда кечаётган жараён билан яқиндан танишишди, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ижодий сафар якунида эса улар синовдан ўтказилиб, махсус сертификатлар берилди.

– Менинг бу ерга келишим Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига тўғри келиб қолди, – дейди Сурхондарё вилоятдан ташриф буюрган фотомухбир Эркинжон Туляев ўз қувончини яшира олмай. – Тахририят тақдим этган фотоаппарат билан дарҳол ишга киришдим. Эртасигаёқ "Бахтли болалик" деб номланган фотозъюдим "Постда" ҳамда "На посту" газеталарининг биринчи бетиде босилди. Журналистларнинг маҳорати, тезкорлиги ва яқдиллигидан ниҳоятда ҳайратга тушдим. Ижодий сафарнинг нафи катта бўлди.

ятлари ҳам инobatта олинмаяпти. Айни пайтда фаоллик кўрсатаётган Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, ички хизмат майори Мирза Абдуллаев, Сурхондарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция майори Собиржон Нормуродов, Чортоқ тумани ИИБ ҚООБ ходими, милиция лейтенанти Дилбар Тургунова, "Садоқат" газетаси мухбири Азизжон Бузруков, талаба Мухлиса Муҳиддинова каби жонқуярлар номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳамкасбларимиз халқ билан бирга бўлиб, унинг дарди ва қувончларини ҳолисона ёритаётган кўп миң сонли журналистлар билан бир сафда бораётганидан ҳақли равишда фахрланишяпти. Улар машаққатли, аммо шарафли касбни улуғлаш учун бундан кейин ҳам бор куч-гайратларини аямайдилар. Айёмингиз қутлуг бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Саъдулла ШОДИЕВ,
ИИБ Бирлашган
тахририяти бўлим мудирини.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти жамоаси мамлакатимиздаги барча журналистларни, қаламкашларни, матбуот фахрийларини касб байрами – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклар, бардамлик ва ижодий ютуқлар тилайди.



Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ "Тынчлик сақшыси" ("Тинчлик посбони") газетаси қисқа вақт ичида тизимдаги ички ишлар идоралари фаолиятини ўзида ҳаққоний ахс эттирувчи ойнага айланди. Унинг саҳифаларидан осойишталик посбонларининг кундалик хизматларини ҳикоя қилувчи қизиқарли материаллар ўрин оляпти.

Суратда: Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, ички хизмат майори Жуманиёз Утеминов ва тахририят ходимлари газетанинг навбатдаги сони режасини муҳокама қилишяпти.

М. ТИЛЛАЕВ олган сурат.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ПОСБОНЛАР!

Бугун республика ИИБ Академиясига мамлакатимизнинг турли вилоятларидан юзлаб отоналар ташриф буюришган. Байрамона кайфиятда гулдасталар кўтарган меҳмонлар ипга терилган маржондек саф тортиб турган кечаги тингловчи – энди эса офицердек улуг ном олиш арафасида бўлган фарзандларига гурур ва ифтихор билан қарайдилар.



Академияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти менежменти, тергов, тезкор-қидирув, маъмурий-ҳуқуқий, эксперт-криминалистика, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги хизмати ва жазолар ижроси бўйича идоралар фаолияти каби ихтисосликларни эгаллаб, юриспруденция йўналишида бакалавр бўлган битирувчилар мустақил ҳаётга йўлланма оладилар. Тантана оркестр садолари билан бошланди. Академия тингловчилари саф тортиб ўтишди. Маросимда республика Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов иштирок этди ва нутқ сўзлади.


– Ватанимиз тақдирини, мамлакатнинг нурли келажаги эртага бизнинг ўрнимизга қандай мутахассислар келишига боғлиқ, –

деди нотик ёш офицерларни табриклар экан. – Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” номли асариди: “Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман”, – деган эдилар. Дарҳақиқат келажак илми, маънавиятли ва маърифатли кишилар кўлида бўлиши лозим. Мен энг аввало инсонни ҳурматлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ватанни севиш, унинг озодлиги ва ободлиги йўлида ҳеч иккиланмай жон фидо қилишга тайёр туриш, халқ дарди ва ташвишлари билан яшаш, қалби пок, диёнатли, иймон-эътиқодли, ҳалол инсон бўлиб, тинмай касб маҳоратингизни ошира бориб, устозлар ўғитларига содиқ қолишингизни тилайман!

Шундан кейин битирувчиларни Академия бошлиғи, милиция генерал-майори У. Тожихонов табриклади. Фахрийлар, меҳмонлар ва отоналар ҳам сўзга чиқиб, битирувчилар халқ ишончини оқлашларига умид билдирдилар.

Устозлар кўлидан бир неча йиллик меҳнатлари маҳсули – дипломларни олар эканлар ёш офицерлар “Мустақил Ўзбекистонимизга хизмат қиламан!” дея қасамёд қилишди. Юрт ишига камарбаста, эл тинчлиги, осойишталиги учун курашга шай минглаб, ўғил-қизлари бор экан, мустақиллигимиз боқий, келажакимиз буюк бўлаверади.

Ш. ШЕРМАТОВА.
Суратда: тантанадан лавҳа.
А. РАЖАБОВ
олган сурат.



Навоий вилоятининг Нурота туманилик Умрзоқ ота ва Кундузой ая 14 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб катта қилишди. Худога шукр қилишадикки, етти ўғилу етти қиз уларнинг юзини ерга қаратмади. Яқинда фарзандларидан бири – Жаҳонгир республика ИИБ Академиясини битирди. Офицер бўлди. Кўлига бакалаврлик дипломини олди. Ота-она учун фарзандлар камолини кўришдан ҳам каттароқ бахт бормикан?!

Суратда: милиция лейтенанти Жаҳонгир Мирзаев ота-онаси билан.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Тўйхат ўрнида

АРДОҚЛИ ИНСОН

Менимча, ҳар бир инсон маълум ёшга етгач, ортига ўгирилиб, ўтган умрини сарҳисоб қилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Фафур ака Абдумажидов қутлуғ етмиш беш ёшга тўлдилар. Домлани таваллуд куни билан қўлаб, бир пиёла чой устида илм, ижод ва меҳнат билан ўтаётган умр йўллариغا назар солдик.



– Самарқандлик мўйнадўз-қосибнинг саккиз фарзандидан тўнғичиман, – деди у киши. – Мактабда аълога ўқирдим. 1939 йили отам мени Москвага олиб бориб шаҳарни томоша қилдирдилар. Қайтишимизда шамоллаб қолганлари ёдимда қолди.

Орадан икки йил ўтгач, уруш бошланди. Отамни аҳволлари оғир бўлишига қарамай фронтга олиб кетмоқчи бўлишди.

У киши тақсимлаш жойида уч кун ётганлар. Бир куни ўша ерда ишлайдиган Абрамов деган одам ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Отам бўлган воқеани, касали икки йил олдин бошланиб, ҳатто Тошкент Давлат тиббиёт институти профессори Я. Гардоннинг йўлланмаси билан Москвага бориб, даволангани, лекин фойдаси бўлмаганини айтибдилар. Шундан кейин Абрамовнинг сай-ҳаракати би-

лан отамнинг бетоб эканлиги исботланиб, уйга қайтарилганлар. (Кейинчалик шу касаллик туфайли оламдан ўтдилар).

Отам Абрамовдан касбини сўраганларида “Мен – адвокатман, касбим одамларни ҳимоя қилиш” деган экан... Шу воқеа сабаб бўлиб падари бузрукворим мени ўша вақтдаги икки йиллик республика юридик мактабига ўқишга бердилар. Жон-дилим математика бўлса-да, ҳуқуқ фанларини ҳам берилиб ўргандим.

Ўн олти ёшга тўлиш арафасидаги Фафуржон туман судида котиб, суд ижроси бўлиб иш бошлади. Кейинчалик туман прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, терговчи, республика прокурори ҳузурда муҳим ишлар бўйича терговчи. Санкт-Петербург университетидаги тахсил ва юридик фанлари номзодлиги учун ёқланган

диссертация. Буларнинг ҳаммаси учун озмунча билим, ғайрат, тажриба керакми? Фафуржон фан номзодлиги билан қаноатланмади. Назарий билимини янада бойитиш, ҳуқуқшунослик соҳасида тажриба тўплаш мақсадида Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим, Жиноят ҳуқуқи ва процесси шўъбасининг мудири лавозимларида хизмат қилди. Ёш бўлса-да, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг юридик бўлимини бошқарди.

Фафуржон Абдумажидовнинг фаолияти 1974 йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлигининг Олий мактаби (ҳозирги ИИБ Академияси) билан боғланди. У криминалистика кафедрасига раҳбарлик қилди. 1991-1995 йилларда Академия бошлиғининг ўринбосари бўлди. “Жиноятларни тергов қилиш назарияси, қонуний тарти-

би ва амалиётга оид муаммолар” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, профессор илмий унвонини олди.

Профессор Ф. Абдумажидов юридик таълимга оид ўнга яқин дарслик, 40 дан ортиқ ўқув дастурлари, юздан зиёд ўқув ва услубий кўлланмалар яратилишига раҳбарлик қилди. У 300 дан кўпроқ илмий рисола ва мақолалар муаллифидир. Ф. Абдумажидов йирик назарий олим сифатида судья ва терговчилар мустақиллиги ва қонунга бўйсунганини кафолатлаш, гумон билан қўлга олиниб, айбланган шахсни ҳимоячи билан таъминлаш, жиноят ишларини юритув чоғида жабрланувчи ва бошқа муҳокама иштирокчиларининг ҳуқуқларини жиддий кенгайтиришга оид таклифларини асослаб, амалиётга киритди. Унинг кўплаб илмий тавсиялари 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилиб, ҳуқуқ тартибот идоралари фаолияти ва суд ислохотларини бойитишга хизмат қилди. Профессор Ф. Абдумажидов Конституциявий комиссия таркибида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этди. Ҳаётини илмга, изланишга, шогирдлар етишти-

ришга бағишлаган домланинг раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқди. Унинг илмий ишлари Москва, Санкт-Петербург, Киев, Самара, Иркутск каби кўплаб шаҳарларда ҳам маълум.

Хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланган Фафур Абдумажидович 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайланди. 2000 йилдан буён эса республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори.

– Интилганга толе ёр деган гап бежиз айтилмаган, – дейди домла. – Укам Абдузўхур фан доктори. Синглим Назира, укам Абдушукур, Омонжонлар ҳам илмий унвонга эгалар. Василя-тиббиёт ходими, Маъсуда – муаллима. Зурафобегим – уй бекаси. Рафиқам Матлубахон ўрта мактабда муаллима. Қизим Гўзал юрист. Ўғлим, истеъфодаги милиция майори, Бобур техника ва ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумотли мутахассис...

Ҳуқуқшунослик илмининг алло-маларидан бири бўлмиш профессор, истеъфодаги милиция полковниги Фафур ака Абдумажидов жамиятда ҳуқуқшуносларнинг ўрни ҳақида тўлқинланиб гапирди. Унинг чашма сувидек тиник, пурмаъно сўзларига қулоқ тутар эканман, домла каби забардаст олимлар бор экан, кураётган ҳуқуқий-демократик жамиятимиз пойдевори метиндек мустаҳкам бўлади, деган фикрга келаман.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича 2000 йилда республикамиз Президентининг Фармони ва Ҳукумат Қарори қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида республика ИИБ раҳбарияти ҳам қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, вазирликда Компьютер маркази, жойлардаги ички ишлар идораларида эса унинг бўлим ва бўлинмалари ташкил этилди.

Молия-иқтисод соҳаси фаолиятини ҳам эндиликда компьютер техникасиз тасаввур этиш қийин. Буни ҳисобга олиб яқинда ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Ў. Аҳмедов ташаббуси билан мазкур тизим муҳандис-иқтисодчилари, иқтисодчилари ҳамда ҳисобчилари учун вазирлик ТОҲТБЮда қисқа муддатли малака ошириш курси ташкил этилди.

Тингловчиларга долзарб мавзуларда маърузалар ўқиш учун Ўзбекистон Миллий университети проректори, техника фанлари номзоди, доцент

А. Мараҳимов, ИИБ Компьютер маркази бошлиғи Х. Эшбўтаев, ИИБ Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги, физика-математика фанлари доктори, профессор И. Мирзаев каби соҳанинг етук мутахассислари таклиф этилди. Шунингдек, вазирлик Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Исхакходжаев, бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Умарходжаев ва бошқалар назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтдилар. Тингловчилар таҳсил чоғида турли ҳисобот ҳужжатла-



Суратда: ўқув машғулотида лавҳа.

ри тайёрлашда ҳар хил компьютер дастурларидан фойдаланиш малакасини эгалладилар. Бу эса хиз-

мат сифати ва самарасини ошириши шубҳасиз.

— Махсус курс даврида эгаллаган билим ва кўникмаларимизни амалий фаолиятимизда қўлаймиз. Бизга берган таълимлари учун устозларимизга минг раҳмат, — деди тингловчилар номидан Наманган вилояти ИИБ ҳисобчиси, ички хизмат сержанти Н. Умурзоқова.

Синовлардан муваффа-

қиятли ўтган барча тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ЎДИНГИЗДА ТУТИНГ ВА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Республикамиз қонунчилигига кўра гиёҳвандга жиноятчи эмас, бемор сифатида қаралади. Одатда 14-35 ёш ораллиғидаги кишилар гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишади.

Хўш, гиёҳвандлик нимаси билан хатарли? Бу касаллик барча ички аъзоларга зиён етказиб, охир-оқибат нисбатан қисқа вақт ичида беморнинг ўлимига сабаб бўлади. Гиёҳвандликнинг яна бир хавfli томони унинг ОИТС, В, С вирусли гепатит касалликларининг тарқалишига сабаб бўлишидир. Айниқса, ўсмирлар ва ёшларнинг бу иллатга чалиниши жамият учун катта муаммо ҳисобланади.

Гиёҳвандликка чалиниб, ўз хоҳиши билан нарколегия шифохоналарига даволаниш учун мурожаат қилганларнинг исм-шарифлари уларнинг илтимосларига кўра сир тутилади.

Республикамизда ишонч масканлари очилган. У ерда ОИТС масалалари бўйича бепул маслаҳатлар олиш мумкин. Бунда ҳам ташриф буюрувчиларнинг шахси сир тутилади.

Тошкент шаҳридаги ишонч масканлари қуйидаги манзилларда жойлашган:

— Чилонзор тумани, 16-мавзе, 12-уй, республика ОИТС Маркази, телефон 76-85-08;

— “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг 3-ётоқхонаси, телефон 46-63-83;

— Мирзо Улуғбек тумани, Раҳматулин кўчаси, 218-уй, 7-оилавий поликлиника, телефон 162-63-83.

Мазкур ишонч масканларида мутахассислар сизга зарур маслаҳатлар беради ва фарзандингиз адашиб тубсиз жарга элтувчи йўлга кирмаслиги учун қўлларидан келган барча ишни қилишади.

Кўпчилик ота-оналарни боласининг гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишини қандай билиш қизиқтира керак.

Авваламбор унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатига эътибор беринг.

- У оилавий ишларга бефарқ бўлиб қолдими?
- Тез-тез уйдан кетиб қоляптими? Дарсларини қолдираяптими?
- Суҳбат чоғида диққатини бир жойга йиғма олмаяптими?
- Танқидга тоқат қилолмаяптими? Жаҳлдор бўлиб қолмаганими?
- Кайфияти тез-тез, кескин ўзгариб турибдими?
- Сабабини айтмасдан тез-тез пул сўраяптими?
- Уйингизда қимматбаҳо тақинчоқлар, нарсалар, кийим-кечаклар йўқола бошладими?
- Унинг кўз қорачиқлари кенгайиб ёки торайиб кетганими?
- Кўзлари қизарганими, нутқи ноаниқми?
- Ундан ичкилик хиди келмаса ҳам, ўзи маст ҳолатда бўладими?
- Хатти-ҳаракатлари беўхшовми?
- Қарахт ҳолатда юрадими ёки аксинча ўта фаол бўладими?
- Кўпинча ухламай юрадими?

Гиёҳвандлик моддалари қабул қилишнинг ташқи белгиларини ҳам билиб қўйиш керак.

- Фарзандингизнинг танасида укол излари, кўкарган, кесилган жойлар борми?
 - Болангизнинг хонасидан капсулалар, шиша идишлар, номаълум ҳақдори (таблетка)лар, дори кукунлари топилиб турадими?
- ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!** Агар болангизни гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилади деб гумонсирасангиз:
- Унга руҳан мадад беринг, ғамхўрлик кўрсатинг, тушунинг.
 - Унга қаттиқ танбеҳ берманг, асло дўқ-пўписа қилманг, жазоламанг. Бу фақат фарзандингиздан узоклаштиради, холос.
 - Уни мутахассисга мурожаат қилишга унданг ва кўндириг.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Санитария-эпидемиология назорати Бош маркази.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулотида гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА

1917 йилда большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнғариш Ўзбекистон халқи тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди.

Октябрь тўнғаришидан кейин 1924 йилда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топиб, ССР Иттифоқи таркибига киритилди. СССР ўз моҳиятига кўра унитар (қўшма) давлат эди. Оқибатда Ўзбекистон тўла-тўқис Москвага қарам бўлиб қолди. Юртимиз фақат номигагина мустақил эди. Республика раҳбарлари марказ томонидан тайинланар, бинобарин уларга бўйсунарди. Улар юртимиз ва унинг халқлари эмас, балки марказ манфаатлари йўлида сиёсат юргизишга мажбур эдилар. Ўзбекистон халқларининг суверен ҳуқуқлари асосида уларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ватанпарварлик кайфиятидаги миллий раҳбарларнинг чиқишларини мустабид тузум фоят шафқатсизлик билан барҳам топирарди.

Шўро тузumi Ўзбекистонни марказ таркибидagi мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни хом ашё базаси, маҳсулот бозори сифатидаги ҳолатини янада мустаҳкамлашга интилд. Бундай сиёсат оқибатида республиканинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама кечилишга олиб келди. Унинг қишлоқ хўжалиги тобора кўпроқ пахтачилик йўналишига эга бўлиб борди, шу алфозда пахта яккаҳоқимлиги қарор топди. Ўзбекистон

саноатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки ишлов берадиган тармоқлар асосий ўринни эгалларди. Республика хом ашёсининг пировард маҳсулоти Иттифоқ саноат марказларида ишлаб чиқарилар, бинобарин, фойданинг асосий қисми ҳам ўша ерда қоларди.

Марказнинг Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсати республиканинг маданий ривожига ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Ўлка халқларининг маънавий ҳаёти тўла-тўқис ўз даврининг ҳукмрон мафкураси ва сиёсати таъсирига олинди, байналмилаллик ниқоби остида республикани русланштиришга интилиш рўй берди. Ўзбек халқининг миллий-маданий қадриятлари, бой маънавий мероси, унинг қадимий анъана ва урф-одатлари унутилди. Исломи дини, унинг қадриятлари оёқости қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат ва асосий муомала тилига айлантилди.

Ўша йилларда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан кўплаб завод ва фабрикалар қурилди, миллионлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди, катта-катта каналлар қазилди, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи мустаҳкамланди, унинг маҳсулотлари ҳажми ортди. Ўнларча олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари очилди, уларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрланди, умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг кенг тармоғи ташкил этилди. Бу ютуқ-

ларнинг барчасига мустабид тузум даврида айтиш одат бўлиб қолган “партиянинг доно сиёсати” туфайли эмас, балки халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Бу моддий-маънавий бойликлар аксар ҳолларда ўзбек халқини камситиш, миллий ғурурини оёқости қилиш, ўзлигини унуттириш, коммунистак мафкурани янада кучайтириш учун хизмат қилди. Ўзбекистон худудида бунёд этилган корхоналар (айниқса, кимё комбинатлари), керагидан ортиқча ўзлаштирилган кўриқ ва бўз ерлар, қазилган каналлар, қурилган сув омборлари республиканинг экологик аҳволини мураккаблаштирди, Орол денгизининг қуриб боришини тезлаштирди, деҳқончилик ерлари таркибини ўзгартириб юборди, атроф-муҳитни, ичимлик сувини захарлади.

Ўзбекистон халқлари босиб ўтган анча мураккаб ва зиддиятли тарихий йўлини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам советлар даврини ҳақиқатда қандай кечган бўлса, шундайлигича: барча ижобий ва салбий жиҳатлари, парвозларию таназзуллари, тарихий жараённинг барча “ўнқир-чўнқирликлари”ни назарда тутган қолда тадқиқ этиш лозим бўлади. Зеро, бу даврни совет тузumi ёки “доно партия” тарихи сифатида эмас, балки бунёдкор, фидокор халқимиз тарихи сифатида ўрганиш зарур.

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

UCHINCHI

«**Postga**»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV  OLAM

Гаройибот

Халқимизда "Ўйқу – ўлим" деган гап бор. Яъники, киши ухлаганда танаси гўёки фаол ҳаётӣ фаолиятдан тўхтайдӣ. Сизгилари ором олади. Аммо руҳи-чи? Ўзингиз кўрган баъзи тушларингизни эсланг. Улардаги оламлар бошқача эмасми? Балки тушимизда руҳимиз учун ўзга замон ва маконлар очилар. Қуйида Тэд ва унинг танишининг ҳикоялари билан танишсак, балки кўп нарса ойдинлашар...

ТЭДНИНГ ҲИКОЯСИ

"1986 йилда мен анча вақт Гавай оролларида яшайдиган ўғай укамнинг хонадонидан турдим. Укам тўрт кунга бир ёққа кетди. Уйда бир ўзим қолдим. Кўп ўтмай зерикдим. Танишим Викка кўнғироқ қилдим. "Ётадиган бўлиб кел, киногами, бошқа бирор ёққа борармиз", дедим. Вик рози бўлди.

Гавай ороллари – Тинч океандаги унча катта бўлмаган архипелаг. У вулқон отилиши ва маржон рифларидан ҳосил бўлган 24 та оролдан иборат. Ўртоғим Вик билан Вайкини оролидаги кинотеатрга бордик. Қайтиб келганимизда кайфиятимиз аъло эди. Кўчада ёмғир куйиб, кучли шамол эсаётган бўлса ҳам, ёш эмасмизми ҳеч биримиз чарчамадик.

Яна бирорта фильм томоша қилгимиз келди. Кўп ўйлаб ўтирмасдан кўрқинчли фильм кўрадиган бўлдик. Ташқарида шамолнинг ув тортиши шунга ундадимми – ким билсин дейсиз.

"Тирик ўликлар кечаси" фильмини танладик. Видеокассетани қўйдик. Ўзимиз гиламга ёнма-ён ётиб қанча томоша қилдик, билмадим – ухлаб қолибмиз. Об-ҳаво сабаб бўлдимми ёки кўрқинчли фильмми – ҳар ҳолда даҳшатли туш кўрибман. Яна ким билсин, у даҳшатни ўнгимда кўрган бўлишим ҳам мумкин.

БИР ХИЛ ТУШ

Кўзим илиниши билан туш кўра бошладим. Тушимнинг бошини унча эслай олмайман. Эсимда қолгани, ўзим ва Вик гиламда ётган эдик. Шамолнинг увиллашини ҳам, эшик-деразаларга урилишини ҳам, япроқларнинг шитирлашини ҳам эшитиб ётибман.

Бир пайт нимадир қарсиллади. Уйнинг нариги томонидаги эшикда ярми одамга, ярми аллақандай ўзга сайёралikka ўхшаган махлуқ пайдо бўлди. У секин-аста Викка яқинлашиб кела бошлади. Махлуқ жуда яқин келгандагина Вик ўйғониб қолди ва тиззалаб ўрнидан туриб: "Йўқол! Жўна!" – дея қичқирди.

Махлуқ яшин тезлигида йўлакка отилди. Эшикнинг

қаттиқ ёпилгани эшитилди. Кейин яна нимадир қарсиллади!

Бу овоздан бутунлай ўйғониб кетдим. Вужудим кўркүвдан дағ-дағ титрарди. Викка қарасам, бутунлай довдираб қолгандай кўринарди: у ҳамма ёққа аланглаб ниманидир ёки

меҳмонхона, ётоқ ва ошхонадан иборат эди. Меҳмонхонадан торгина йўлак ётоққа олиб борарди. Ётоқнинг эшиги берклигини кўриб ваҳимамиз ортди. Сабаби, укам доимо уни очик сақлар, ёпилиб кетмаслиги учун оғирлиги 150 кг келадиган тренажёр тираб кўярди.

Ёпиқ эшикка яқинлашганимиз сайин кўркүвимиз ортарди. Эшикнинг тутқичини ушлашим билан ичкарида кимдир оғир нафас олгани ёки хўрсинганини аниқ эшитдим. Пичоқ ва фонарларимизни шай қилиб, эшикни очдик. Вик хона чироғини ёқди. Ётоқ торгина эди. Биз кийим жавонини, каравот остини, ҳатто душхонани қараб чиқдик. Зоғ ҳам

СИРЛАРИ

кимнидир изларди. Унинг диққатини ўзимга қаратишга уриндим, аммо фойдаси бўлмади – назаримда, танишим гапимни эшитмасди. Ниҳоят у хийла ўзига келди, аммо ўқтин-ўқтин нафас олишдан тўхтамай сўради: "Сен ҳам кўрдингми?"

Кўрқиб кетгани унинг афтидан шундоқ кўриниб турарди. Нима бўлганини тушунмай бир зум жим ўтирдик. Кейин Вик: "Тушимда қандайдир махлуқ сенга ҳужум қилди. Унга йўқол деб бақирдим", – деди.

Қарасак, хонанинг эшиги ланг очик. Ваҳоланки эшик ёпилиши билан қулфи автоматик тарзда қулфланиши керак эди. Уни ташқаридан калитсиз очиб бўлмасди! Бундан ташқари, эшикка оғир пружина ўрнатилган бўлиб, у ўз-ўзидан ёпилиши керак эди.

Уни ёпиш учун ўрнимдан туришим билан ўзи секин ёпилди! Ўша лаҳзада рангим кўркүвдан қув ўчган бўлса керак.

Биз турган жойимизда ҳайкалдек қотиб қолдик. Энди иккаламиз ҳам бир хил туш кўрганимизни англадик. Ўша махлуқ шу хонадонда бўлиши керак эди.

МАХЛУҚНИ ИЗЛАБ

Биз эҳтиёткорлик билан ошхонага ўтдик. У ердан ошпичоқларни олиб йўлакка чиқдик.

Укамнинг хонадони бир кишига мўлжалланган бўлиб,

йўқ эди. Деразага қарасак – ёпиқ. Демак, хонада биров бор бўлса, ҳеч қаяққа чиқиб кетолмасди. Каловланиб, аниқроғи, кўркүвдан қотиб қолдик!

ХОТИРАМИЗГА НИМА БЎЛДИ?

Орадан бир неча лаҳза ўтиб иккаламиз ҳам ёнгиб бўлмас чарчоқ хис қилдик. Бўлиб ўтган воқеага қизиқишимиз йўқолди. Яна гиламга ётиб бир зумда донг қотиб ухлаб қолдик.

Эртаси куни, индинига, икки ҳафтагача бўлиб ўтган даҳшатни умуман эсламадик. Қизик, бу тасодифиди?

Бир куни Вик иккаламиз тушлик қилиб ўтирдик. Бир таниш инглиз файласуфи сўнги кунларда кўзига шарпалар, арвоқлар кўринаётгани ҳақида гапириб қолди. Вик аввал менга, кейин файласуфга ғалати қараш қилди... Шунда иккимиз ҳам ўша бўронли, ёмғирли кеча юз берган воқеа ёдимизга тушганини тушундик. Унинг бутун тафсилотлари хотирамизда тикланди. Шундан кейин бир неча ҳафта ўша даҳшатли кечани эслашдик. Бир-биримизга қанча савол берсак ҳам, тайинли жавоб чиқмади. Ўшандан кейин ҳеч биримизнинг ҳаётимизда унақа воқеа такрорланмади.

Аммо сирли махлуқ билан бўлган ўша учрашув иккимизнинг ҳам ҳаётимизни ўзгартириб юборди. Ўз ҳақимда гапи-



радиган бўлсам, соғлигимга путур етди. Мана, 18 йилдирки гоҳ у ерим, гоҳ бу ерим оғрийди. Шифокорлар сабабини тополмай ҳайрон.

Кўрганим кўрқинчли фильм таъсиридаги тушми ёки ҳақиқатми – ҳалигача билолмайман. Агар туш бўлса, нега иккимиз ҳам бир хил туш кўрдик? Бундан ташқари, ўнгимизда унинг ҳақиқатлигини тасдиқловчи далилларни кўрдик-ку! Иккинчи масала – нега уни икки ҳафта мобайнида унутиб, кейин тўсатдан эсладик? Ҳалиги таниш файласуфимиз ҳам ўша махлуқни, ёки унга ўхшаш туш кўрганмикан? Хуллас, жумбоқ кетидан жумбоқ...

БУНДАЙ ЖУМБОҚЛАР БИР ДУНЁ!

Одатда бундай шарпаларни "соя-одам" деб аташади. Аслида улар одаммикан? Соя-одамлар кўпинча кўзга кўринишмайди. Фақат кўз қиринг билангина ёнингдан биров ўтганини пайқаб қолсан, холос. Баъзан шарпа сенга тикилиб туради. Унинг нигоҳида оғир, кишини қарахт қилувчи нимадир бор. То ўзингга келгунингча у ғойиб бўлади. Камдан-кам ҳолларда уни аниқ кўришинг, ҳатто суратга олишинг мумкин.

Қутб авиацияси учувчиси ана шундай ҳолатлардан бирини расмга туширишга муваффақ бўлган. У ҳаваскор сураткаш бўлган. Шимолий

қутб устидан тунда учиб ўтаётганида кимдир қулоғига "фотоаппаратингни кўлингга ол!" деган. Ўша пайт учувчининг кўзи олдида осмонда шарпа пайдо бўлган. Учувчи уни суратга олиб улгурган. Аксар руҳонийлар буни Исо пайғамбарнинг намоён бўлиши деб ҳисоблашади.

Сирли мавжудотларнинг ўлчамлари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, 1919 йил ёзидан 13 ёшли Гарри Андерсон 20 нафар митти одамчаларни кўрган. Улар болага эътибор ҳам бермай саф тортиб ўтиб қетишган. Гарри одамчаларнинг гудурлаб ноаниқ гаплашишганини эшитган.

АҚШнинг Массачусетс штатидаги Дувр шаҳрида ҳам 1977 йил 21 апрелидан бошлаб бир неча кун давомида шунга ўхшаш сирли ҳодиса кузатишган. Аввал 17 ёшли Билл тош деворга тирмашиб чиқаётган номаълум махлуқни кўрган. Аммо ёнидаги ўртоқлари буни пайқашмаган. Шу куни тунги соат 12.30 ларда Жон исмли ўсмир ҳам шунга ўхшаш мавжудотни ой ёруғида кўрган. Жоннинг айтишича, махлуқ дарахт танасини кучоқлаб турган...

Гап шундаки, одамлар сўнги пайтларда тез-тез юқоридагиларга ўхшаш сирли мавжудотларга дуч келишяпти. Бу ҳақда таҳририятларга ёзишяпти, ўзлари чизган, ҳатто фотоаппаратда олган суратларни юборишяпти.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Ғаройибот

Яқинда ўлкашунослар Марказий Африканинг қалин ўрмонларида, Зимбабве ва Ботсвана ўртасида туяқушсимон одамлар қабиласини топишди. Уларни сападлар деб ҳам аташади.


Бу қабила вакиллари-нинг бошқа одамлардан фарқи – оёқларида фақат иккита катта-катта бармоқлари борлигидир. Мазкур касаллик табобатда қисқич синдроми деб аталади. Шифокорларнинг фикрича, хасталик ўзаро яқин қонларнинг қўшилиши оқибатида келиб чиқади. Эҳтимол, қандайдир ҳали фанга номаълум вирус бунга сабаб бўлгандир. Ана шундай ҳодиса Франция ҳудудидаги Альп тоғида яшовчилар ўртасида ҳам қайд этилган. Бу ерда худди Ботсвана ўрмонзорларида бўлгани сингари овулу қишлоқлар бир-биридан жуда узоқда жойлашган. Шунинг учун ҳам яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тез-тез учраб туради.

Қадимги юнон тарихчилари Страбон ва Мегасфен Марказий Африканинг сирли, ғаройиб аҳолиси бўлган, товлари орқага қайрилган

апистодактиллар ҳақида ёзиб қолдиришган. Демак, туяқушсимон одамлар яқинда пайдо бўлган эмас.

1963 йилда француз табиатшуноси дю Шайюнинг китоби босмадан чиқди. Унда Марказий Африкага уюштирилган саёҳат ва сайёҳларнинг бошларидан кечирган саргузаштлар баён этилган эди. Китобда жумладан, оёқларида иккитадан бармоқлари бўлган сапад деб аталувчи қабила одамлари ҳақида ҳам қайдлар учрайди.

Орадан 100 йил ўтиб Англияда чиқадиган "Гардиан" газетасида "Икки бармоқли африкаликларни излаб. Сирли қабила" сарлавҳаси остида мақола чоп этилди. Унда Замбези дарёси ёқасидаги водийда яшовчи, оёғида иккитадан бармоғи бўлган одамлар ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бошда уни шов-шувталаб журналистнинг уйдирмаси деб ўйлаб, кўпчилик эътибор бермади. Аммо шундан сўнг гоҳ у, гоҳ бу нашрда икки бармоқли



оёқда шамолдай тез югура олувчи одамлар ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади. Ҳатто матбуотда бу мавзуга бағишланган мунозара ҳам ёритилди. Унда машҳур америкалик палеонтолог Ж. Десамонд Кларк одатдаги маҳаллий қабилалардан бири махсус шиппак кийиб юрса керак. Бу пойабзаллардан шунақа излар

қолиши эҳтимолдан холи эмас, деди.

Кейинроқ Бастер Филипс исмли ўлкашунос Англияда чоп этиладиган жуғрофияга ихтисослашган илмий журналда Африка қитъасида яшовчи туяқушсимон одамлар қабиласи ҳақида хабар эълон қилди. Муаллиф сирли қабила вакиллари паст бўйли (ўртача бир ярим метр), ёввойи

одамлар экани, дон-дун, ёввойи мева-чевалар, кўзиқоринлар истеъмол қилишини ёзган эди.

Шундан кейин шовшувлар янаям кучайди. Ҳатто айрим газеталарда туяқушсимон одамларнинг суратлари ҳам чиқа бошлади. Аммо аксар олимлар бунга тан олишмас, "уйдирма!" дейишдан нарига ўтишмасди.

Фақат 1971 йилга келиб халқаро илмий экспедиция уюштирилди. Бу сападлар ҳақидаги сирга ойдинлик киритгандай бўлди.

Қишлоқ оқсоқоллари меҳмонларни хушламайроқ қабул қилишди. Бунга фақат кўшни қабилалар етакчиларининг қистови туфайлигина рози бўлишган эди.

Сирли қабила вакиллари бирини текшириш учун Англияга олиб келишга муваффақ бўлинди. Шифокорларнинг фикрича, қисқич синдромига сабаб бўлувчи ген туғилажак фарзандга ўтиши учун онадан бирида бўлиши етарли экан.

– Бу мутация йўқолиб кетмаса керак. Чунки у

одамни ноқис, ногирон қилиб қўймайди, – дейди маҳаллий университет тиббиёт мактаби профессори Филипс Тобиас. – Демак, туяқушсимон одамлар келажакда ҳам бўлишади.


Сападлар югуришга жуда уста. Улар худди маймунлар сингари дарахтдан дарахтга сакраб ўтаверишади. Туяқушсимон одамлар баъзан бир неча кун ерга тушишмайди. Улар махсус миллий таомларни тайёрлаш учун мевалар, барглр ва ҳашаротлар теришади.

Қабиланинг баъзи урф-одатлари, маросимлари олимларни ўйлантириб қўйди. Масалан, никоҳ тўйи олдида бўз йигитлар бир кеча-кундуз кум устида ҳеч нарса емасдан, ичмасдан ётишлари лозим. Кимки бу синовдан ўтолмаса, уйланишга ҳақли бўлмайди.

Бошқа бир удумга кўра янги ой чиққан кеча камида ўн нафар сапад белигача ерга кўмиб қўйилади. Улар то тонг отгунча ёрдамчи руҳларни авраш учун дуо ўқиб чиқадилар. Қолганлар эса гулхан ёқиб, дуо ўқийётганларни хушбўй тутун билан ўрайдилар.

Вақт ўтиши билан туяқушсимон одамлар Марказий ва Жанубий Африканинг бошқа туманларида – Зимбабведа ҳам топилди...

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



1988 йил ёзида Луганск шаҳрида ер қазिश ишлари чоғида бир неча киши оғир жароҳат олди. Ўша яқинда ўйнаб юрган олти ёшли болакай эса ҳалок бўлди. Тадқиқотлар жабрдийдаларни юқори кучланишли электр токи урганини кўрсатди. Аммо яқин атрофдан электр тармоғи ўтмаган эди. Кўп ўтмай тасодифан ярим метр келадиган, йўғон қурт тутилди. У ўзидан электр токи чиқаришга қодир эди.

Таниқли палеонтолог ва ёзувчи Иван Ефремовнинг "Олгой-хорхой" ҳикоясида шундай сатрлар бор: "Машинамиз кумли барханларга етиб келганида, кузовда бўлган радистимиз кабина томини дўмбира қилиб ура бошлади. Ҳайдовчимиз Григорий норози оҳангда тўнғиллади: "Нима бўлди экан?" Кейин тўсатдан машина тормозини босиб бақирди: "Тез анави ёққа қаранг! Нима у?"

Радист кузовдан сакраб тушиб, милтиқ кўтарганча барханлар томон югурди. Кумтепа устида бир метрча келадиган колбасасимон иккита махлук биланлаб судралиб борарди. Уларнинг на кўзи, на оёқлари бор эди. Гарчи зоолог бўлмасам ҳам, ҳозиргина ўзим билмайдиган ҳайвонни кўрганимни англаб турардим.

Ёрдамчиларим унинг кетидан таъқиб қилишарди: радист олдинроқда, Гриша сал орқароқда. Тўсатдан қуртлар кулча бўлиб олишди. Радист жимгина юзтубан йиқилди. Ҳаял ўтмай ҳайдовчим унинг олдида етиб борди. Кейин менга нимадир деб қичқирди. Зум ўтмай ўзи ҳам букчайиб, ён томонга йиқилди. Сирли қуртлар эса ғойиб бўлишди.

Йўлбошловчи билан барханга етиб борганимизда шерикларим жонсиз ётишарди. Икковининг ҳам юзи кўкариб кетган эди.

Муаллиф 1946-1949 йилларда академик Ю. Орлов раҳбарлигида Гоби саҳросида илмий экспедицияда бўлган. Ёзувчининг ўзи ҳам, сафардошлари ҳам юқоридаги чўл махлуқига дуч келишмаган. Китоб йўлбошловчилар ва маҳал-

ҚУМЛИКЛАРНИНГ СИРЛИ МАХЛУҚИ

лий аҳолининг гувоҳликлари асосида ёзилган.

"Қадимий мўғул эътиқодларига кўра саҳронинг одам оёғи етмаган, ҳаёт изини топиш қийин бўлган жойларида олгой-хорхой деган махлук яшайди. Шу пайтгача тадқиқотчилар уни қўлга олганлари йўқ. Сабаби, биринчидан улар бутунлай сувсиз жойларни макон қилгани бўлса, иккинчидан мўғулларнинг бу махлуқлардан ўлгудай кўрқишидир. Уларнинг фикрича, жонивор қурбонларини ўзига яқинлаштирмасдан, бир лаҳзада ўлдироларкан. Махлуқнинг қуроли юқори кучланишли электр токи ёки сачрайдиган заҳар бўлиши мумкин – анигини билмайман", – дея мулоҳаза юритади ёзувчи.

Мўғулистон узоқ йиллар ёпиқ мамлакат ҳисобланган. Шўро мутахассисларидан бошқа олимлар у ерга киритилмаган. Лекин баъзан истиснолар ҳам бўлган. 1926 йилда америкалик палеонтолог Рой Чемкен "Қадимги одам изидан" китобида Мўғулистон Бош вазири билан суҳбати ҳақида ҳикоя қилади. Ўшанда бу юқори мартабали шахс олимга олгой-хорхой қариндошларини ўлдирганини айтиб, уни қўлга туширишни сўраган.

Америкаликлар ёвуз махлуқни тутиш учун иккинчи бор Мўғулистон ҳукуматига мурожаат қилишган. Шўро мутахассислари ҳам

бунга қаршилиқ билдиришмасда, мамлакат расмий доиралари бунга узоқ пайт рози бўлишмаган. Улар америкаликларнинг бу сафардан бошқа манфаатлари ҳам бор, деб гумон қилишган.

Нихоят, 1954 йилда америкалик мутахассислар руҳсат олишиб, иккита машинага ўтириб Сайшанд кўрғонидан йўлга чиқишди. Улар сахро ичига кириб, шу-шу домдараксиз кетишди. Орадан бир неча ой ўтиб АҚШ ҳукуматининг илтимосига кўра Мўғулистон расмий доиралари мамлакатда жойлашган шўро ҳарбийлари ёрдамида кидирув ишларини бошлашди. Сахро кўйиндан машиналар соҳолатда топилди. Улардан сал нарироқда эса экспедиция аъзоларининг мурдалари ётарди. Таналар жазирема офтобда узоқ пайт ётгани учун ўлим сабабини аниқлаб бўлмади.

90-йилларда Мўғулистон чегараларидаги "темир панжаралар" ҳам олиб ташланди. Турли мамлакатлардан бу ерга экспедициялар кела бошлади. Улардан айримлари бошига америкалик экспедициячиларнинг куни тушди. Фақат ҳадсиз-худудсиз саҳрода уларни излаб топишга жазм этувчилар топилмади.

Чех экспедицияларигина бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўришгани учун ортларига соғсаломат қайтиб келишди. Дастлаб

чехиялик ёзувчи ва журналист Иван Махарле икки марта сафар уюштирди. У олгой-хорхойни учратмади. Аммо махлуқнинг мавжудлиги ҳақида кўплаб ишончли далиллар тўплашга муваффақ бўлди. Бу ҳақда Чехия телевидениесида "Қумликларнинг сирли махлуқи" номли кўрсатув намойиш этилди.

1996 йилда яна чехиялик Пётр Горький ва Мирек Наплава бошчилик қилган экспедиция аъзолари Гобининг катта қисмини кезиб чиқишди. Сафар муваффақиятсиз яқунланганига қарамай, чехлар саъй-ҳаракатларни тўхтатишмоқчи эмас. Чунки Мўғулистон худуди жуда каттадир. Унга Франция, Германия ва Чехияни қўшиб яна бир қанча митти давлатларни жойлаштириш мумкин. Аҳолиси эса бор-йўғи беш миллион кишини ташкил этади. Уларнинг деярли барчаси кичик шаҳарлар ва қишлоқларда яшашади. Қолган жойни саҳрою тоғлар эгаллаган. Шундай жойлар борки, у ерларга ўн йил деганда бир марта одамзод қадам босиши мумкин, холос. Шундай экан, бундай бепоён кенгликларда йилнинг асосий қисмини уйқуда ўтказадиган, унчалик катта бўлмаган махлуқни излаб топиш ўта қийин иш.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ДУШАНБА, 30

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

ЎзТВ - II

16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 "Давр" ҳафта ичида.
17.00 ТВ-анонс.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "Живз ва Вустер".
18.05, 20.55 "Экспресс" телегазетаси.

ЎзТВ - IV

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.50 "Уимблдон теннис турнири".

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро".
8.00 Новости.
8.05 "Земля любви, земля надежды". Сериал.

РТР

3.45 "Доброе утро, Россия!".
6.45 М. Гибсон и Р. Дауни-мл. в приключенческом фильме "Эйр Америка".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ДЕТИ ПУСТЫНИ".

НТВ

5.00 УТРО на НТВ.
7.40 Сериал "КЛАН СОПРАНО".
9.00 "СЕГОДНЯ УТРОМ".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ДЕТИ ПУСТЫНИ".

REN TV

7.30 "24". Информационная программа on-line.
8.00 "Большие деньги".
8.30 "Fox Kids": "ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ".

ТНТ

5.00 "Путешествия с Национальным географическим обществом".
6.00 "О, счастливычик!" Телеигра.
6.40 Мультимир. "Черепашки-ниндзя".

ЕВРОСПОРТ

9.30 Мотогонки. "Гран-при" Голландии.
11.00 Ралли. Чемпионат мира на Кипре.

Смертельный дефицит.

11.25 "Москва и Питер. 300 лет вместе". Спецрепортаж.
11.40 Телемагазин.
12.00 "События. Время московское".

СЕШАНБА, 1

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

ЎзТВ - II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "Живз ва Вустер".
18.05, 20.55 "Экспресс" телегазетаси.

ЎзТВ - IV

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.50 "Уимблдон теннис турнири".

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро".
8.00 Новости.
8.05 "Земля любви, земля надежды". Сериал.

РТР

3.45 "Доброе утро, Россия!".
6.45 Телеканал "Пейзаж с убийством".
7.45 Н. Русланова, П. Вельяминов, Б. Новиков и Г.

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Мумии возвращаются".
8.30 Худ. фильм "ШЕРЛОК ХОЛМС И ДОКТОР ВАТСОН. ЗНАКОМСТВО".

НТВ

5.00 УТРО на НТВ.
8.10 Г. Хазанов в сериале "ЖИЛ БЫЛ Я...". 1-я серия.

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Мумии возвращаются".
8.30 Худ. фильм "ШЕРЛОК ХОЛМС И ДОКТОР ВАТСОН. ЗНАКОМСТВО".

REN TV

6.55 "24". Информационная программа on-line.
7.00 "Fox Kids": "Человек-паук".

ТНТ

5.00 "Путешествия с Национальным географическим обществом".
6.00 "О, счастливычик!" Телеигра.
6.40 Мультимир. "Черепашки-ниндзя".

ТВЦ

8.00 Информационно-развлекательный канал "Настроение".
9.50 Газетный дождь.
10.05 "РАЗЛУЧЕННЫЕ".

ЕВРОСПОРТ

Таниқли ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, истефодаги милиция полковниги **Фафуржон АБДУМАЖИДОВ**ни табаррук 75 ёшга тўлгани билан самимий табриқлаймиз. Ҳамкасб, сафдошимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, республикамизда ҳуқуқий-маърифий тарғиботни ривожлантиришдаги ишларида бардамлик ва ютуқлар тилаймиз.

Республика ИИБ Фохрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази.

А. Икромов тумани ИИБ бўлим бошлиғи, милиция майори **Тўхтасин ШАРОПОВ**ни туғилган куни билан табриқлаймиз. Бахтимизга кўп йиллар саломат бўлиб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Оила аъзолари.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси хафта учун

ҚЎЙ (21 март - 20 апрель)

Бу хафта анча нотинч бошланади. Душанба куни ҳомийларингиз ва дўстларингиз билан муносабатларингиз мураккаблашади. Кейинги кунлар туссиз ўтади. Хафтанинг иккинчи ярмида қиладиган сафарингиз кўнгилли кечади. Якшанба арафасида бир дунё зарур маълумот оласиз. Бу бажараётган ишингиз билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Дам олиш кунлари муталаа учун янги мавзулар, сўнгги кунлар пайдо бўлган баъзи жумбоқларнинг ечимини топасиз.

СИГИР (21 апрель - 21 май)

Хафтанинг ўртаси сиз учун қулай палла. Душанба, сешанба кунлари бошлиқларингиз билан чиқишмай қолишингиз ёки ота-онанингизга тааллуқли кўнгилсизлик юз бериши мумкин. Чоршанба куни сизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади. Шу тарихи муаммоларингиз ҳал бўлади. Чоршанба ва пайшанба кунлар омадди келиб, бир талай ишларингизни битириб оласиз. Дам олиш кунлари уйингизни янгитдан тартибга келтириш, мебеллар жойини ўзгариштириш, баъзи кераксиз нарсалардан халос бўлишни маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)

Ушбу хафтада, айнакса дастлабки кунлар сафарлар ва шахсий муносабатларда эҳтиёт бўлинг. Автофалокат эҳтимоллиги ва ўзаро келишмовчиликлар муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Осмондаги ҳомийингиз - Меркурий сайёраси эски алоқаларни узиб, янгиларни ўрнаштишга ундайди, яқин одамлар билан муносабатларни ойдинлаштиришга кўмаклашади. Сешанба ва чоршанба кунлар мураккаб муносабатлар кўмакда, баъзан қатъий ҳаракатлар қилишингизга тўғри келади. Бунинг натижасида анча асабийлашингиз мумкин. Жума ва шанба кунлари тезда ўзингизга келиб, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль)

Ҳафта бошида одатдаги ишлар билан шугулланишингиз қийин кечади. Кутилмаган асабийлашувлар анча-мунча куч-қувватингизни олади. Баъзи ўзгаришлар туфайли янгича шарт-шароитларга мослашингизга тўғри келади. Шанба куни уйингизда айрим ўзгаришлар қилисиз. Якшанба куни бироз маз

The crossword puzzle grid contains the following words and numbers:

- 1:** Илк нашрлардан бири, Ахборот воситаси, Шеър вази, Нашриёт, Егулик, Буй, Насрий асар, Термин, 2, Урф-одат, 3, Урф-одат, Гина, ... Гибсова, Исти-ҳола, Сўз туркуми, Масофа, Баркамол, Билим-донлар кўрсатуви, 4, Туркум ном, 5, 6, Миллат, Сатр, Ижод асоси, Суд қарори, Тузатувчи, Гап тури, ... кўса, Навоий вилоятидаги шаҳар, Фахрийлар нашри, Даража, Яқин киши, Дин, Санъат, ... дарё, Операциони, Тирагич ёғоч, 7, Олмош, Маҳаллий хабар, ... котиб, ... сон, Ёзув асоси, Шарқшунос олим, Ёрдамчи, 8, Миллий дубос, Хазина, Кўп қисм, 9, Миллат, Ража, Физик зарра, Абл исми, 10, Жасорат, Хошимов, Жой, Улуғбек, ... ора, Далил, Ижодкор, У эмас, ... эмас, Хунардан, Жасорат, Хошимов, Жой, Улуғбек, ... ора, Далил, Ижод йўли, Қатор, Кулатиш дафтари, Хайём, Қўл-ёзма, 11, Қатор, Кулатиш дафтари, Хайём, Қўл-ёзма, 12, Ижод йўли, Қатор, Кулатиш дафтари, Хайём, Қўл-ёзма, 12, Толалик экин, Хақиқий, 13, «Мушгум» иловаси, Беш дoston, Тўрт-бурчак, 14, Яқин, Остонов, 15, Дарё, Тез, 16, Қовурма таом, 16, Сурач, Сатр, Падар, ... боб, 17, Хафталик нашр

2	1	6	16	9	13	6	4	1	1	12	16	13	11	13	6
15	1	2	13	5	1	2	8	15	3	10	15	14	9	7	8

Тузувчи
К. ОРИПОВА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Патефон. Палов. Гимнастика. Офтобойим. Фон. Фрезеровкачи. Занг. Либретто. Фаёз. Ожиза. Жо. Нота. Ёт. Довон. Етуклик. Олов. "Рено". Эс. Имло. Онтарио. Украина. Имзо. Исроил. Икра. Рапида. Циан. Зар. Мита. Циферблат. Чарм. Акл. Чинок. Краков. Апил. Адолат. Аср. Мот. Трап. Теран. Икс. "Ўзбегим". Узак. Икром. Авзо. Одамзод. Мамонт. Ой. Кеча. Карбюратор. Ва. Бром. От. По. Оз. Симонов. Телефон. Розик. Ал. Томас. Мор. Грамм. Тос. Кал. Ин. Тумор. Лат. Исм. Нов. Хунжонов. Осака. Дон. Ун. Ҳашар. Бак. Зайдон. Нун. Ан. Ражаб. Така. Кузов. Бошқирд. Бўйинтумор. Ок. Қонун. Шар. Компрессор.

Калит сўз: озни билмаган кўпни билмас.

СПОРТ+ФУТБОЛ



Футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионати олий лигасининг биринчи давраси якунланишига яна бир тур қолди. Мамлакатимизнинг саккизта ўйингоҳида жамоалар 14-тур беллашувларини ўтказдилар. Голларга бой бўлган мазкур турдан сўнг мусобақа жадвалида пешқадам алмашди.

Ўтган турда етакчи жамоаларнинг аксарияти ўз майдонида ўйнаган эди. Бу гал бошқача бўлди. Кучли жамоаларнинг барчаси меҳмонда тўп сурди. Асосий эътибор Кувасойдаги «Цементчи» - «Пахтакор» ва Тошкентда бўлган «Трактор» - «Нефтчи» ўйинларига қаратилди.

Шу пайтгача пешқадамлик қилаётган «Пахтакор» Кувасойда «Цементчи» билан бўлган учрашувда анча қийин ахволга тушиб қолди. Мезбонлар олий лигада биринчи марта иштирок этишига қарамай, чемпионат бошлангандан буён унча мунча етакчи жамоаларни қийнаб қўйганди. Лекин кейинги ўйинларда кувасойликлардан омад юз ўгириб, ўз майдонида ҳам очко йўқотаётгани, «Пахтакор» мухлислари қалбида сеvimли жамоамиз яна уч очкога эга бўлади, деган умидларни уйғотганди. Бироқ Т.Копадзе шогирдлари номдор жамоа олдида ўзини йўқотиб қўймади. Биринчи бўлимнинг ўзида Ё.Ақбаров ҳамда А.Мамажоновлар «Пахтакор» дарвозасини икки марта аниқ нишонга олдилар.

Иккинчи бўлимда пах-

«ЦЕМЕНТЧИ» - «ПАХТАКОР» - 2:2



такорчилар мураккаб вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қилишди. Натижада учрашувнинг 56-дақиқасида А.Солиев ҳисобдаги фарқни қисқартирди. Яна бироз фурсат ўтгач, жамоа етакчиси М.Қосимов ҳисобни тенглаштирди. Ушбу учрашувда 2:2 ҳисоби қайд этилди ва тошкентликлар қимматли очколардан маҳрум бўлдилар.

Тошкентдаги «Трактор» майдонида мезбон-

лар билан куч синашган «Нефтчи» асосий рақибининг очко йўқотишидан унумли фойдаланиб қолди. Биринчи бўлимда «Трактор» футболчилари меҳмонларга нисбатан кўпроқ гол киритиш имкониятига эга эди. Бироқ футболчилар бундан фойдалана олишмади. Ю.Саркисян шогирдлари бундай вазиятларни қўлдан чиқармади. Натижада У.Исоқов иккита, И.Коваленко ҳамда Ш.Асатов биттадан гол

уришди. Мезбонлардан ягона жавоб тўпини Г.Халимтоев киритди.

Бронза медали учун курашаётган жамоалар орасида «Кизилқум» анча яхши натижаларни қайд этмоқда. Зарафшонликлар бу гал сафарда тўп суришига қарамай, биринчи бўлимда «Машъал» дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди. Учрашувнинг иккинчи

бўлган баҳснинг 42-дақиқасида мезбонлар футболчиси А.Миляев томонидан киритилган гол рақибга уч очко келтирди.

Ўн тўртинчи тур сўнгги погоналарни эгаллаб турган жамоалар учун анча омадли келди. «Гулистон» ва «Қўқон-1912» футболчилари ўз майдонида ўйнади. Ҳар икки аутсайдер ўртамеёна жамоаларни қабул қилди.

«Металлург»га қарши майдонга тушган «Гулистон» беллашув бошидаёқ

қолдириб, жамоасига уч очко келтирди.

«Қўқон-1912» футболчилари «Бухоро» жамоасига қарши тўп суришди. Иккинчи бўлимда В.Чернишенко бухороликлар дарвозасига учрашувдаги ягона голни киритди.

Ўн тўртинчи турнинг асосий янгилиги «Нефтчи»нинг биринчи ўринга кўтарилиб олгани бўлди. Фарғоналиклар 39 очко билан пешқадам бўлиб турибдилар. Энди «Пахтакор» футболчилари «Нефтчи»дан бир очко ортада қолмоқда. Учинчи ўринда бораётган «Кизилқум» навбатдаги ғалабадан сўнг энг яқин таъқибчиси - «Насаф»дан уч очкога ўзиб кетди.

«Пахтакор» билан тенг ўйнаган «Цементчи»га қўлга киритилган бир очко ёрдан бера олмади. Кувасойликлар ўн бешинчи ўринга тушиб қолишди. Сўнгги погонани ҳамон «Қўқон-1912» футболчилари эгаллаб турибди.

ярмида ҳисоб ўзгармади - 0:3.

«Кизилқум»ни таъқиб қилаётган «Насаф» яна очко йўқотиб, зарафшонликларнинг илгарилаб кетишига замин яратди. «Анджон» ўз майдонида қашқадарёликлар билан 1:1 ҳисобда дуранг ўйнади.

Мавсумни барқарор ўтказолмаётган «Навбахор» бу гал Самарқанддан уч очко билан қайтди. «Самарқанд-Д» футболчилари ўз майдонида нанманганликларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатолмадилар. «Навбахор» ғалабасига шу кунги дублга эришган иктидорли ёш ҳужумчи Ш.Мирхолдиршоев улкан ҳисса қўшди. Учрашув 1:3 ҳисобда якунланди.

Ушбу турда юқори ўринлар учун курашаётган «Сурхон» ҳамда «Дўстлик» жамоалари ўзаро куч синашди. Термизда

ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборган бўлса-да, йигирманчи дақиқагача иккита тўп киритиб, тез орада ҳисобда олдинга чиқиб олди. Жамоалар танаффусга 2:2 ҳисобда чиқишди. Учрашув таушига тўрт дақиқа қолганда Д.Дўстматов 11 метрлик белгидан меҳмонлар дарвозабонини доғда

14-ТУРДАН Кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	14	13	0	1	40-8	39
2. «Пахтакор»	14	12	2	0	42-11	38
3. «Кизилқум»	14	9	2	3	27-13	29
4. «Насаф»	14	8	2	4	28-16	26
5. «Навбахор»	14	6	5	3	23-14	23
6. «Сурхон»	14	7	2	5	17-20	23
7. «Дўстлик»	14	6	3	5	17-19	21
8. «Машъал»	14	5	2	7	20-17	17
9. «Анджон»	14	3	5	6	13-15	14
10. «Бухоро»	14	4	2	8	20-24	14
11. «Металлург»	14	4	2	8	18-20	14
12. «Самарқанд-Д»	14	4	1	9	18-25	13
13. «Трактор»	14	3	4	7	17-35	13
14. «Гулистон»	14	4	1	9	12-31	13
15. «Цементчи»	14	3	3	8	15-27	12
16. «Қўқон-1912»	14	3	0	11	15-37	7

БОШ СОВРИН БОШҚАРМАДА

Футбол бўйича Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси биринчилигининг ҳал қилувчи ўйинлари ходимлар хашар йўли билан барпо этган «Динамо» спорт мажмуасида ўтказилди. Ўз гуруҳларида голиб чиққан Шовот, Хонқа тумани ички ишлар бўлимлари, тергов ҳибсхонаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси марказий аппарати жамоалари совринли ўринлар учун баҳс олиб боришди.

Ҳар бир учрашувни ғалаба билан якунлаган вилоят ИИБ марказий аппарати футболчилари голиб бўлишди. Хонқа, Шовот тумани ички ишлар бўлими ва тергов ҳибсхонаси жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Голиблар «Динамо» спорт жамиятининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Ўтган ҳафта профессионал бокс мухлисларининг нигоҳи Лос-Анжелесда бўлган чемпионлик жангига қаратилди. Рингга энг оғир ваздаги жаҳон чемпиони британиялик Леннокс Льюис ва украиналик Виталий Кличко кўтарилди.

Учрашувдан олдин кўпчилик Л.Льюиснинг ғалабасини башорат қилаётган эди. Чунки британиялик боксчи ўз чемпионлик камарларини ҳимоя қилиш жаҳонида бир қанча бокс юлдузларини мағлуб этганди. Ака-ука Кличколарнинг каттаси эса ҳали Л.Льюис даражасидаги боксчиларга қарши жанг ўтказмаган. Лекин экспертларнинг айримлари Виталий Ленноксга нисбатан ёшлиги, эпчил, дароз ва жисмонан кучлироқ эканини таъкидлаганди. Интернет орқали ўтказилган сўровномада мухлис-

ЛЬЮИС КУЧЛИМИ, КЛИЧКОМИ?

ларнинг 57 фоизи Льюис ғалабага ҳақли эканини маълум қилган.

Бевосита жангга қайтадиган бўлсак, у охиригача ўтказилмади. Кличконинг чап қоши ёрилиб, қон тўхтамагани учун шифокорлар олтинчи раундда беллашувни тўхтатиш лозимлигини билдиришди. Шу тариқа Леннокс Льюис чемпионлик камарини сақлаб қолди. Бироқ, ҳакамларнинг ҳисоб-китобида кўра, Кличко олтинчи раундга келиб 58-56 ҳисобда олдинда бораётганди.

Айрим кузатувчилар Кличконинг жароҳат олиши Ленноксга мағлубиятдан сақлаб қолди, деган фикрларни билдирмоқ-



да. Льюис эса молиявий масалалар келишилгач, Кличкога қарши яна бир марта рингга чиқиши мумкинлигини айтган.

ШАЦКИХГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Ўтган ҳафта футбол бўйича Украина XII миллий биринчилиги якунланди. Голиблик учун кураш деярли сўнгги турларгача давом этди.

Кейинги йилларда мамлакатнинг энг етакчи клуби - Киевнинг «Динамо» сига «Шахтёр» (Донецк) асосий рақиб бўлиб келаётганди. Бу гал ҳам донецкликлар биринчилик тугашига икки тур қолгунча киевликларга қаршилик кўрсатди. Лекин 28-турда асосий рақибига имкониятни бой берган «Шахтёр» футболчилари чемпионликни «Динамо»га топширишга мажбур бўлди.

«Шахтёр» мухлислари сеvimли жамоалари чемпио-

ликка эришолмаслигини сезган бўлишса-да, футболчиларни қўллаб-қувватлашнинг қанда қилишмади. Чунки жамоа аъзоси Алексей Белик тўпурарлар пойгасида «Динамо» ҳужумчиси ҳамюртимиз Максим Шацких билан рақобатлашаётганди.

Сўнгги турдан олдин ҳар икки футболчи рақиблар дарвозасини йигирма мартадан ишғол қилган эди. Шу сабабли ҳам XII чемпионат тўпурарлигини ким қўлга киритиши номаълум бўлиб турганди.

Ўзига хос бу баҳсда омад яна киевликлар томонида бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси М.Шацких сўнгги турда «Металлист» дарвозасига иккита тўп йўллади. «Шахтёр» - «Арсенал» баҳсида мезбонлар йирик ҳисобда ғалаба қозонган бўлса-да, А.Белик рақиб дарвозасини атиги бир марта ба аниқ нишонга олди.

Шундай қилиб, «Динамо» ўнинчи марта мамлакат чемпионлигига, ҳамюртимиз М.Шацких иккинчи марта ба чемпионат тўпурарлигига эришди. Энди М.Шацкихдан миллий терма жамоа таркибида ҳам сермахсул ўйин кутамиз.

Бундан ташқари, Украина чемпионатида иштирок этаётган бошқа легионерларимиз жамоалари ҳам анчагина дуруст натижа қайд этишди. Бир неча йил олдин иктидорли дарвозабонимиз Темур Фаниевни ўз тарбиясига олган Донецкнинг «Металлург» жамоаси чемпионат бронза медаллари билан тақдирланди. А.Хвостунов тўп сураётган Одессанин «Черноморец» ва А.Беляковга ўз дарвозасини ишониб топширган Кривой Рогнинг «Кривбасс» жамоалари олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолди.

БОҲИР БЕК.



Осойишта маҳалла обод бўлади

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Обод маҳалла йили муносабати билан маҳалламизда ҳар йилгидан кўпроқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Кўп қаватли уйлар, болалар боғчалари, мактаблар олдига ўрнатилган автосаройлар ва ноқонуний қурилган уйларнинг деярли барчаси махсус белгиланган жойларга кўчирилди. Улар ўрнида боғ барпо этилиб, оқар сув келтирилди. Уйлар навбати билан таъмирдан чиқарилмоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ўндан ортиқ киши иш билан таъминланди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган фуқаролар билан махсус

комиссия доимий равишда иш олиб бормоқда. Уларнинг аксариятига тадбиркорлар ҳомийлик қилишмоқда. Тўй-маъракалар ва бошқа оилавий

тадбирларни кам чиқим, спиртли ичимликларсиз, тинч-осойишта ўтказиш йўлга қўйилган.

Маҳалла худудидан 2 та чойхона, 2 та савдо

маркази, тикувчилик цехи, компьютерга ўқитиш маркази, этикдўзлик устахонаси ва бошқа маданий-маиший объектлар аҳолига

хизмат кўрсатаётир. Шаҳар миқёсида ўтказилган "Футболимиз келажиги" турнирида 9-11 ёшли болалар 1-ўринни, 12-14 ёшлилар эса 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. "Ёш оила" танловида Ф. Шоймардоновлар оиласи совринли ўрин олишди. Р. Резяповлар оиласи шахмат бўйича шаҳар мусобақасида 2-ўринни эгаллади.

Маҳалланинг тарбиячи-мураббийси Б. Фофуров ёшлар билан мунтазам иш олиб бораётгани боис жорий йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноят юз бермади. Профилактика инс-

пектори, милиция капитани Қилич Холманов маҳалла фаоллари билан ҳаммаш ҳамкорликда иш олиб боради. Ойда бир марта уй бошлиқлари, маҳалла аҳлини йигиб диний-экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш гиёҳвандликка қарши кураш бўйича учрашувлар ўтказилаяпти. Яраштириш комиссияси олиб бораётган хайрли ишлар натижасида ажралиш ҳолатлари йўқ ҳисоби. Қилинаётган ишлар Обод маҳалла йилига амалий жавобдир.

Ш. РАВШАНОВ,
Қариш шаҳридаги
"Чўлқувар" маҳалласи
посбони.

Суратда: маҳалла оқсоқоли А. Имомов фаоллар билан навбатдаги иш режасини тузмоқда.

О. ПРИМОВ олган сурат.



Сабoқ

ИШ БОШИ — ИНТИЗОМ

Ички ишлар идораларида хизмат вазифасини суниестемол қилиш, лоқайдлик, қонунбузарлик, тамағирлик, ҳатто ичкиликбозлик иллатлари оз бўлса-да учраб турибди. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Баъзи ходимларнинг ҳуқуқий билимлари саёзлиги ҳам милиция обрўсига путур етказаяпти.

Бугун ички ишлар идоралари тизимларида олиб борилаётган ислохотлар милиция сафларини ҳалол, пок, эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи, сиёсий етук, билимдон, фидойий ходимлар билан жамлашга қаратилган. Чунончи, Сирдарё вилояти ИИБда ходимларнинг сиёсий-маънавий онгини шакллантириш, ҳуқуқий билим, касб маҳорати, жанговар, жисмоний тайёргарлигини ошириш билан бирга улар ўртасида қонунчилик, хизмат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Шу ўринда, милиция ходимлари томонидан содир этилаётган қонунбузарликлардан кўз юма олмаймиз, дейди вилоят ИИБ ШТБХ бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги Ў. Болтабоев. — Шахсий таркиб ўртасида ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир шаҳар, туман ИИБларида махсус режа асосида йиғилишлар ўтказилаяпти. Ходимлар ўртасида хизмат интизомини бузиб келаётган, вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган, ичкиликка, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ходимлар аниқланди. Уларнинг ишга, бурчига бўлган муносабатини ўзгартириш учун жазо муддатини ўтаётган собиқ ходимлар билан учраштирилди. Собиқ ходимлар ўз қилмишларидан нечоғлик пушаймон эканликлари, қавм-қариндошлари олдида юзлари шувит бўлганлигини кўзларидаги оққан ёшлардан билиниб турарди. Бу чин кўнгилдан қилинган афсус-надоматлар бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Ҳар бир ходим ўзи бажараётган ишининг мева-сидан баҳраманд бўлса, иштиёқи янада ортади. Шунинг учун ҳам хизматда алоҳида намуна кўрсатаётган ходимлар рағбатлантирилиб бориляпти. Афсуслар бўлсинки, гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, тизимда ўз мансабини суниестемол қилиб, ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар ҳам топилади.

Шахсий таркиб ўртасида кўнгилсиз ҳолатларни камайштириш, уларнинг "Касб одобномаси"га амал қилишларини таъминлаш борасида "Мураббий", ахлоқ-одоб суди билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтказилаётган маърифат дарсларига Гулистон Давлат университети ўқитувчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва соҳанинг етук мутахассислари таъйиф этиляпти.

М. ИБРОҲИМОВА.

Мулоҳаза

Мендан "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин камайтириш учун нима қилиш керак?" деб сўрашса, уларга эътибор, ғамхўрликни кучайтириш лозим деб жавоб берардим. Нега? Чунки муассасамиздаги маҳкумларнинг аксарияти озодликдан маҳрум этилишидан олдин ўз холига ташлаб қўйилган. Ҳатто ёши 15 га етиб, ўқиш-ёзишни билмайдиганлари ҳам бор. Бировнинг отаси йўқ, бошқасининг онаси. Бори ҳам ичкиликбозликка берилиб кетган, боласи билан иши бўлмаган. Тўғриси айтганда, жазо ўтаётган болаларидан хабар оладиганлари санокли. Маҳкумлар орасида қайта-қайта судланганлари ҳам анча-мунча.

Сўнгги амнистия бўйича муассасамиздан қирқдан зиёд ўсмир озодликка чиқди. Биз олдиндан республика Бош прокуратурасининг тегишли бўлимига улар ҳақида маълумотлар тақдим этдик. Прокуратура ходимлари ўз навбатида жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини хабардор этишган. Ўзимиз ҳам қараб турмадик, ўсмирлар яшайдиган худудлардаги ҳокимликлар, туман прокурорларига хат жўнатдик. Кўз тегмасин, ҳозирча ўша собиқ маҳкумларнинг бирортаси қайта қамалгани йўқ. Бу ниманинг натижаси? Кўрсатилган эътибор, ғамхўрлик натижаси албатта. Уларнинг ҳаммаси қобилиятига яраша ўқишга, ишга жойлаштирилган. Оиласи нобоб бўлса, бошқа бир меҳрибон, ғамхўр хонадон ёки болалар уйига жойлаштирилган. Вояга етиб қолганининг уй-жой муаммоси ҳал қилинган.

Бу долзарб, муҳим масалани қатъий назоратга олганлари учун проку-

ратура идораларига раҳмат, албатта. Аммо нахотки фақат назорат, жавобгарлик билан кўрқитиш ёрдамида бирор натижага эришиш мумкин бўлса?!

Ёш авлод муаммолари билан шуғулланадиган анча-мунча давлат, жамоат ташкилотлари бор. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, хотин-қизлар кўмиталари, ҳокимликлар қоши-

да кўзланган мақсад тескарисига айланиб кетмайдими?

Шунинг учун, менимча, ўсмирлар муаммоларини ҳал қилишни ўз зиммасига олганлар, жумладан қамолотчилар ҳам эътиборни тарбияси, шароити оғир вояга етмаганларга аниқ ёрдам беришга қаратишлари керак. Дейлик, уларнинг кучига, қобилиятига мос иш топиб беришсин. Лаёқатига қараб касб-хунарга ўқитишсин. Китоб-дафтар ҳаёда этишсин. Спорт тўғрақларига бепул ёздиринсин, Зарур бўлса, нобоп, носоғлом оиладан ажратиб олиш масаласини кўйишсин. Хуллас, ҳар бир ҳолатга ўзига хос ёндашиш лозим. Чунки ўсмирнинг уйда тинчлик бўлмаса, отона уни едириб-ичиришни ўйламаса, тарбия ўрнига уриб, сўқишдан нарига ўтмасин.

Биз муассасамизда уларга лозим таълим-тарбияни бериш, зарур маиший, маданий яшаш шароити яратиш йўлида бор имкониятларни ишга соляпмиз. Чунки фарзандларимиз, ҳатто жиноят содир этишган бўлишса ҳам, бошқа тенгдошлари қатори ўқиб-ўрганишга, яшашга ҳақли. Фақат жамият ҳаётида ҳам шунга эришишимиз керакки, токи барча ўсмирлар яхши таълим-тарбия олиш, яшаш учун зарур барча шароитга эга бўлсин. Бу вазифани эса юқорида айтганимдек, оила, давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда бажаришлари лозим.

И. ЖўРАЕВ,
республика ИИБ ЖИЭББ тарбия
муассасаси бошлиғи, ички хизмат
подполковниги.

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЕРАК!

даги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар шулар жумласидандир. Менимча, уларнинг бошини қовуштириш, фаолиятини мувофиқлаштириш пайти аллақачон келди. Энг муҳими, умумий гаплардан, самарасиз тадбирлардан амалий ишга ўтиш керак.

Юқорида тилга олганим республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари тез-тез муассасамизга тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турувчи ўсмирларни олиб келишади. Мақсад, уларни ҳуқуқбузарликлардан қайтариш. Бу ерда яратилган шароитни кўриб болалар менга: "Ие, сизларда яхши экан-ку! Вақтида ўқишаркан, китоб-дафтарлари бор. Ишларча пул тўланаркан. Спорт билан шуғулланишларига ҳам шароит муҳайё. Ёб-ичишдан камчиликлари йўқ. Ётар жойи тайин, озода", — дейишади. Бунақа-

ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Акрамжон Ботиров 1987 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, Фаргона вилояти ИИБда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи бўлиб иш бошлади. У аста-секин тажриба орттирди. Терговчи, катта терговчи ва тергов бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлади. Орадан маълум вақт ўтгач ИИБ Академиясининг раҳбар кадрлар тайёрлаш факультетига ўқиди ва унинг биринчи битирувчиларидан бўлди. Малакали ходим Бағдод тумани ИИБ

бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. 2002 йилдан бошлаб Қирғули туман ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Туманда ўттиздан ортиқ миллат, олти миш мингга яқин аҳоли яшайди. Республика аҳамиятига молик "Фаргона нефтни қайта ишлаш", "Сунъий толалар ишлаб чиқариш", "Азот" корхоналари мавжуд.

— Ўтган йилга нисбатан оғир жиноятлар анча камайишига эришдик, — дейди

милиция подполковниги А. Ботиров биз билан суҳбатда. — Худудимизда асосан ёшлар яшайди. Ёшлар клублари, дискотекалар ишлаб турибди. Баъзи пулдорлар бу ердан хонадон харид қилиб, бегона одамларни ижарага қўйишади. Жиноятлар ана шундай хонадонларда кўпроқ содир бўлмоқда. Бундан ташқари келди-кетди кўп бўлгани сабабли кўпроқ ташқаридан келган шахслар ноҳўя ишларга қўл уришяпти. Масалан, ўтган йили юз

берганд олтита босқинчилик жиноятдан бештасини Марғилон шаҳридан келган қимсалар содир этганлиги аниқланди, барчаси қўлга олинди. Бу борада тез-тез ўтказилаётган кенг қамровли "Тозалаш" "Орият", "Тун" каби тадбирларнинг аҳамияти катта бўляпти.

Тумандаги ўн битта милиция таянч пунктларида иш қизғин, посбонлар, тунги гуруҳлар фаолияти анча жонланган. Профилактика инспекторлари аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб, "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра", "Огоҳлик — давр талаби" каби мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказишяпти.

К. МУҲАММАДРАСУЛОВ.

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Бир марта эгри йўлдан юриб қоқилган, боши тошга теккан киши тавба қилиб бу кўчага кирмайди. Жомбойлик Қулбобоевлар эса тавбасига таянмайдиганлардан чиқиб қолди.

Икки йил аввал С. Қулбобоева ҳовлисида кўкнор ўсимлигини парваришлаётганида ички ишлар ходимлари томонидан шош этилганди. Аёл аввалига баланд келиб, касалмандман, кўкнор ичиб турмасам бўлмайди деди. Тиббий текширувда унинг соғ-саломатлиги аниқлангандан кейин, қорадори тайёрлаш учун эканини тан олди. Қулбобоевлар қишлоқда, маҳаллада шарманда бўлишди. Келгуси йили хонадон соҳиби Ф. Қулбобоев қорадори сотаётганда кўлга тушди. Оиланинг бошлиғи ҳам жиноят кўчасига киргани кўпчиликини ажаблантирди. Хотини қамоқхонада ётсаю, эри унинг қабих ишини давом эттирса.

Яқинда ходимларимиз томонидан ёшгина аёл гиёхвандлик моддаси билан кўлга олинди. У воситачи бўлиб 100 грамм героинни Булунгур туманидан Жомбойга олиб келаётган экан. Кимлигини айтсам ҳайрон қоларсиз. У айнан Қулбобоевларнинг келини бўлиб чиқди.

ЖАР ЁҚАСИДАГИ АЖАЛ ЭЛЧИСИ

Гиёхвандлик жамиятимизнинг чиркин иллати сифатида қоралаб келинмоқда. Шу боис унга қарши курашиш инсоният олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Қашқадарё вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, милиция майори Т. Зубайдуллаев билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Биргина жорий йилнинг 5 ойи давомида, — деди у, — вилоят ҳудудида гиёхвандлик ва психотроп моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш ва унинг олдини олиш, ушбу турдаги жиноятларни ўз вақтида шош этиш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 159 та ҳолат аниқланди. Аммо аҳоли ўртасида кўплаб тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришимизга қарамай айрим пулга ружу қўйган фуқаролар таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган ўсимликлар экиб, етиштиришга ҳаракат қилаётгани бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Улар нечоғли яширин тарзда иш тутишмасин бизнинг нигоҳимиздан четда қолмайди.

— Мана шундай ножўя ишларга қўл ураётган шахслар билан бир гўшада яшаётган маҳалла оқсоқоллари, хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутасадди кишиларнинг бундан хабарлари борми?

— Лоқайдлик ҳамиша қимматга тушган. Энг ачинарлиси, айрим катталар ёш авлодни тўғри йўлга бошлаш ўрнига захри қотил пуллаб, ажал уруғини сочишга

Шу ўринда ўйлаб қоласан, киши. Қайнота, қайнона фарзандлар роҳатини кўрадиган пайтда шарманда бўлиб, қамоқхонада ётишибди. Атрофдагилар балоси юқмасин дея хонадонни четлаб ўтишадди. Оилада бир эмас, икки кишининг боши тошга тегиб, маломатга қолганини кўра-била туриб, ёшгина аёл ўзини разолат ботқоғига отганини қандай баҳолаш мумкин?

Дарвоқе, оила ўзига тўқ, ўзгалар ёрдамига муҳтож эмас. Топганига шукр қилмай жиноят кўчасидан бойлик қидиришларининг оқибати, муносиб жазо билан ниҳоясига етди.

Ж. ЮНУСЗОДА,
милиция подполковниги.



Сурхондарё вилояти ҳудудида пиёз ортилган «КамАЗ» автомашинасида 3 кг дан ортиқ героин моддаси топилди.
Э. ТУЛЯЕВ олган сурат.

ҳаракат қилишяпти. Токи гиёхвандлик моддаси инсониятга ўлат улашишини доимий равишда тушунтириб бормас эканмиз, бу борада кўзланган натижага эришиш мушкул.

— Бу йўлга билиб-билмай кириб қолган кимсалар ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини билдиришса-да, оғуфурушликни ўзига касб қилиб олганлар ҳамон орамизда йўқ эмас. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Ушбу иллат ортида инсон саломатлиги, унинг ҳаёти турганлигини бундай кишилар унутиб қўяётганлиги ҳар биримизни яқдил кураш олиб боришга ундайди. Ишонаманки, жамиятимизда соғлом авлодни вояга етказиш, уларни баркамол қилиб тарбиялаш йўлида қўяётган дадил қадамларимиз бесамар кетмайди. Ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мумкин. Халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталигини сақлашда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ички ишлар ходимлари жамоатчилик билан биргаликда гиёхвандликка қарши кескин кураш олиб бораверишади.

Б. ЭРҒАШЕВ суҳбатлашди.

Гиёхвандлик пайдо бўлибдики, инсон ҳаёти — бугуни ва эртаси таҳдид остида. Бу иллат инсон саломатлигига путур етказиш билан бирга руҳиятини манқуртлаштирмоқда. Энг хавfli томони, жиноятларнинг пойдеворига айланмоқда.

БЕМАВРИД ҲАЗОНГА АЙЛАНМАСИН

Хусусан, гиёхвандликни сердаромад манбаага айлантириб олган нарқобизнес аталмиш жиноят авж олгани жуда ташвишланарли. Гиёхвандликдан катта фойда кўраётганлар бизнеслари тўхтаб қолмаслиги учун турли йўллардан фойдаланишмоқда. Бун-

лим чойхонаси олдида ҳар ёнга олазarak боқиб турган йигирма ёшлар чамасидаги йигит ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Алпомиш кўчасида яшовчи, 1981 йилда туғилган Абдураим А. Бухоро Давлат университети ҳузуридаги “Бизнес-мактаб”да ўқишини айтди. ИИБ ходимларининг шубҳалари ўз тасдиғини топди. Абдураимнинг ён чўнтагидан етти дона гугурт кутида сотиш учун мўлжалланган, вазни 53 грамм бўлган марихуана топилди. Суриштирув жараёнида бу қутиларнинг Алимардон Т.дан ҳар бирини уч минг сўмдан сотиб олганини айтди. Тузилган тезкор гуруҳ зудлик билан уни топди. Маълум бўлишича, 19 ёшли Алимардон Т. Бухоро Давлат университетининг физика-математика факультети талабаси экан. Унинг ижарада турган хонаси кўздан кечирилганда 5,2 грамм марихуана ҳамда унинг уруғлари топилди. Алимардон Т.га “товар”ни акаси — 1976 йилда туғилган Тошпўлат Т. етказиб берар экан. Бухоро туманилик Тошпўлатнинг уйдан сотиш учун тайёрланган 130 грамм марихуана топилиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди. Тошпўлат бу гиёхвандлик моддасини ўз

томорқасида экиб, етиштиришини тан олди.

Ҳар уч йигитнинг мақсадлари бир — пул топиш. Бир хонадондан икки фарзанд жиноят кўчасига кирадию ота-она беҳабармикан, деган савол туғилиши табиий. Таажжубки, шундай. Ота-она ҳаддан зиёд фарзандларига ишонишганиданми ёки лоқайдликлари сабабми, ўғилларининг қилмишидан беҳабар қолишган. Оқибатини эса кўриб турибсиз.

Хўш, олийгоҳда-чи? Талабаларнинг нима билан шуғулланиб юрганидан мураббийлар беҳабармиканлар?! Улар фақат дарс бериш билан чегаралашибгина қолмай, талабаларнинг юриш-туришига ҳам эътибор беришлари керак эмасми?! Тўғри, талаба мустақил. Бироқ, бу нима қилса ихтиёри ўзида, дегани эмас-ку.

Ҳозирги айрим ёшларимиз кийиниш, олифтарчиликка жуда берилганлар. Ёшлик-умрнинг гўзал фасли. Уларнинг, маънавий бойликка бўлган иштиёқини ўстириш зарур. Ана шундагина ёшлик дарахти гулламай туриб, бемаврид хазонга айланмайди.

О. ЗУХУРОВ,
милиция катта лейтенанти.
М. ХУСАЙНОВА,
журналист.

га кўпроқ ёшларни жалб этишяпти.

Айни кунларда Бухоро вилоятида “Қорадори-2003” тадбири ўтказилмоқда. Қанчалик аянчи бўлмасин, тадбир чоғида аниқланаётган гиёхвандлик, гиёхфурушлик билан шуғулланувчилар айнан ёшлар бўлиб чиқмоқда.

Яқинда Бухоро шаҳри Тўқимачилик тумани ҳудудидаги “Асад-Мус-



Шишадаги “шайтон суви” туппа-тузуқ одамларни ҳам қабих ишларга етакламоқда. Кумқўрғонлик Бахтиёр А., Ҳамроқул Р. ва Ҳикмат С.лар спиртли ичимликка тўйиб олиб, маст ҳолда Н. Йўлдошевни роса дўппослашди. Ҳамқишлоқлари калтагидан тан жароҳати олган жабрдийда касалхонага ётқизилди. Зўравонлар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Жарқўрғонлик Искандар Т. безорилик кўчасига кирди. У арзимас тортишув натижасида Пирназар Р.нинг чап биқинига тиг санчди. Оғир тан жароҳати олган ўсмир дарҳол касалхонанинг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Искандар Т.ни жазо кутмоқда.

Шаҳло Х. билан Тошгул Т. товламачиликда устаси фаранг чиқиб қолди. Икковлон гапни бир

ҚИСҚА САТРЛАРДА

жойга қўйиб, Музработдаги деҳқон-фермер хўжаликлари раислари С. С. ва Т. Ж.ларнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлишди. Ишлари бароридан келмагач, уларнинг ҳужжатларини тортиб олиб, эвазига 600 минг сўм талаб қилишди. Яхши ҳамки, воқеадан ИИБ ходимлари хабар топишди. Йўқса раис акалар чув тушиб қолишармиди.

Ангор тумани “Янги-обод” маҳалласида истиқомат қилувчи Чорибой Х. айни тоғни урса толқон қиладиган ёшида жамиятта фойда келтириш ўрнига, одамларни захарлаб пул топиш йўлини танлади. У 75 туп кўкнорни авайлаб ўстирди. Ширасини йигиб олаётганда милиция ходимлари хабар топиб, унинг ҳавойи орзуларини пучга чиқаришди.

Шўрчилик Холмўмин Ш. мўмай пул топиш илинжида узун ўроқсимон мослама ясаб, қайдасан Олтинсой, дея йўлга тушди. “Яккатут” маҳалласи ҳудуди-дан ўтган, 1000 киловат кучланиши ток уланган сымга ўзи ихтиро қилган мосламани узатди. У симни кесмоқчи бўлганида электр токи ҳам ўз кучини кўрсатди. Натижада Холмўмин воқеа жойида тарашадек қотиб қолди...
М. РАҲИМОВА.

Жиноятчига жазо муқаррар!

ЭР-ХОТИН БОСҚИНЧИЛАР



Шу йил апрель ойида Баҳром (исмлар ўзгартирилган) иш юзасидан Қирғулидан Тошкентга қайтмоқчи бўлди. Шунда Лазокат:

– Бу ерда ёлғиз турмайман, Ўшга бориб, тоғамнинг ўғлини олиб келайлик, – деди. Улар бирга бориб, 12 ёшли ўсмир билан Андижонга келишди. У ердан Қирғули туманига машина ёллашди.

– Ҳозир ёнимизда пул йўқ, уйга боргач ўша ерда ҳисоб-китоб қиламиз, – деди Лазокат машинага ўтирар экан.

Ҳайдовчи рози бўлди. Аммо Қирғули туманидаги кўчалардан бирига киришгач мижозлар:

– Холамит катта пул олиб келиши керак. Бордию келмай қолса, уйдаги жиҳозлардан биронтасини сотиб бўлса ҳам ҳақингизни берамиз. Вақт алламахал бўлиб қолди. Бизни киди тунаб қолинг, – деб

ҳайдовчини ишонтирдилар. Вақт кеч бўлганлиги учун Абдуқаҳҳор уйга кириб диванга тўшалган ўринга ётиб, уйқуга кетди...

Ярим тунда Лазокат эрини уйғотиб.

– Туринг, анавини бир ёқлик қилиш вақти бўлди, – деди.

Эр-хотиннинг режаси бўйича ҳайдовчини ўлдириб, машинани пуллашлари керак эди.

Лазокат аста ошхона-

га кириб, сирка кислота-си солинган шиша оғзини очди. Ундан пиёлага тўлдириб қуйиб, эрининг қўлига берди.

Ҳайдовчи тўсатдан юзқўзи аралаш сепилган “олов”дан додлаб ўрнидан туриб кетди. Аммо Баҳром унга ёпишиб, бўға бошлади. Абдуқаҳҳор бир амаллаб унинг чангалидан халос бўлди. Шу пайт ошхонадан чиққан Лазокат унга ташланди ва шиша билан бошига урди. Шиша синиб, хонани сирка ҳиди тутди. Ҳидга чидамаган Лазокат балконнинг эшигини очган эди, Абдуқаҳҳор пайтдан фойдаланиб ўзини балконга урди ва тўртинчи қаватдан пастга сакради.

Шу пайт иккинчи қаватда сигарет чекиб турган

ийгит тепага қараб нима бўлганини сўради.

– Меҳмомимизнинг кайфи охиб қолди, – хотиржам жавоб берди Лазокат.

Эр-хотин пастга тушиб, ҳайдовчини тутмоқчи бўлишди. Аммо уни қидириб топишолмади. Уйга қайтиб, ҳайдовчининг кийимида қолган машина қалитини олишди ва саҳарда Қирғулидан чиқиб кетишди.

Воқеага гувоҳ бўлган ўшлик ўсмир даҳшатдан дағ-дағ титраганича, уйда қолаверди. Абдуқаҳҳор эр-хотин босқинчилардан қочиб, яқин-атрофдаги хонадонлардан бирининг эшигини қочди. Уй эгаларига бўлган воқеани тушунтирди. Улар “Тез ёрдам” чақирдилар. Кўп ўтмай тезкор гуруҳ ҳам етиб келди. Вилоятда “Туттиш” тадбири эълон қилинди. Босқинчилар Қўқонда қўлга олиндилар.

М. КИМСАНБОВЕВ.

Хўжамурод ишдан кеч қайтди. Овқатга иштаҳаси бўлмади, бир пиёла чой ичдида, ўринга чўзилди. Хаёлини чулғаб олган фикрлар тинчлик бермасди. Анчадан бери очилмай қолган жиноят илдиз отиб борарди. Калаванинг учини топиш осон кечмаяпти. Қуруқ гап билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Аниқ ашёвий далиллар керак.

... Тун. Хўжамурод машинада борапти. Таниш йўллар, лекин негадир эгри-бугри бўлиб кетган. Бир томонида баланд тепаликлар қаққайиб турибди, иккинчи томони тубсиз жарлик. Машина йўлидан бир уюм харсанг тошлар чиқди. Айланайиб ўтиб бўлмайди. Хўжамурод машинадан тушиб, харсангларни силжитишга уринди. Йўл четида бир қулоч келадиган темир ётганини кўриб қолди. Темир билан тошларнинг тағ қисмидаги каттароғини силжитган эди жарликка тушиб кетди. Кетидан эса бошқа тошлар тубсизликка думалади. Қизиги, тошлар худди одамлардай овоз чиқариб туриб борарди. Йўл очилди. Машина тепаликдан тушиб бораётганда кун ёриша бошлаганди...

Телефон қўнғирогидан чўчиб уйғонган Хўжамурод туш кўраётганини билиб, яхшиликка бўлсин-да дея гўшакни олди.

– Ўртоқ подполковник, Қурилиш қишлоғида ўттиз бешта қўй-эчки ўғирланган. Сизга машина юбордик. Тезкор гуруҳ жўнаб кетди.

Хўжамурод тезда ювиниб келиб, кийина бошлаганда хотини пичирлаб, Яратгандан омонлик сўраб, кузатиб чиқди. У кўниқиб кетган. Шунинг учун қаерга кетяписиз, қачон келасиз

деб сўрамади. Хизматни тушунади.

Шамол билан ёмғир савадайди. Қишлоқ йўли лойқа сувга тўлган. Манзилга етиб келишганда бешолти нафар эркаклар туришарди.

– Бир ярим соатлар олдин хабар олганимда қўра тўла эди. Кейин ёмғир бошлаганда яна бир хабар олай десам, қўра очилган, – деди қўйқўзилар эгаси.

– Демак, ўғрилар ҳали узокқа кетиб улгурмаган, – деди Хўжамурод Ахмуродов. – Уч-тўрт томонга бўлиниб қидириш керак.

– Биз ҳам ёрдамлашамиз, – деди қишлоқ оқсоқолларидан бири.

Тезкор гуруҳ аъзолари ёнларига иккитадан фуқарони олиб, тахмин бўйича томонларга тарқалишди.

Катта йўл четида тўхтаб турган юк машинаси шубҳали кўринди. Фуқаролик кийимида бўлган милиция майори Илҳом Салимов ҳайдовчини чўчити

юбормаслик учун, йўлдан адашиб қолгани, Учтепа кўрғонига боришини айтди.

Йўл кўрсатиб юборган ҳайдовчининг ёнидаги кишини аниқ таниди. У қидирувдаги жиноятчи эди. Машинадан узоклашиб рацияда вазиятни тушунтирди ва пана жойда машинани кузата бошлади.

Яна бир гуруҳ қўй подасини топди, лекин уни ҳайдаб кетаётган уч нафар йигитни ушлашга шовилмади. Чунки, жинорий гуруҳнинг бошқа аъзолари қочиб кетиши мумкин. Ёмғир шаррос қуярди. Қўй подаси овлоқ йўллардан ўтиб, катта

юк машинаси керак. Ижарага машина олиб ҳайдаб юрган Абдували С. катта ваъдалар эвазига иккиланмай гуруҳга аъзо бўлади.

Илгари икки марта судланиб, “кўзи пишган” Неъмат Б. бир неча жойдан шериклар топиб, уларни ишга солади. Жиззах, Зарбдор, Пахтакор, Дўстлик туманлари, Сирдарё вилоятининг Ш. Рашидов туманидан бел огритмай яшаганга мойил йигирмага яқин киши унинг жинорий ҳаракатларини қўллашади. 2000 йил июлидан 2003 йил февраль ойигача ўн еттига ўғрилиқ содир этилган бўлса, ҳаммасида Неъмат Б. иштирок этади.

Гуруҳнинг қўлга олиниши билан улардан азият чеккан, молидан ажраб қолганлар туман ички ишлар бўлимига кела бошлашди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, улар орасида молини ўғирлатиб, ўз вақтида милицияга хабар бермаганлар ҳам бор. Бу кўнгириллик ўғриларга қўл келган, албатта.

– Кўза кунда эмас, кунда синади дейишади, – дейди Б. Курбонов. – Ўзини қўлга тушмас деб ҳисоблаб, барча жинорий ишларини яшириб, ички ишлар ходимларига чап бериб юрганлар барибир тумшугидан илинади. Чунки, фуқароларимиз жиноятни кўра, била туриб индамай тесқари қараб кетишнинг оқибати, нимага олиб келишини англаб етишяпти. Шу ўринда бу катта гуруҳни қўлга олишда фаоллик кўрсатган милиция подполковниги Х. Ахмуродов, милиция майори И. Салимов, милиция капитани Ф. Шокиров, Ф. Элмуродов, С. Мингбоев, милиция катта лейтенанти И. Ниёзов, милиция сержанти И. Тўйчиевларнинг номини алоҳида тилга олиш жоиз.

Содриддин ШАМСИДИНОВ.

Кўза Кунда Синди

кўнгириллик томонидан бошқарилгани ва айнан унинг ўзи иштирок этгани маълум бўлди.

Илгари икки марта судланган Жиззах туманида яшовчи Неъмат Б. ёнига шишадошлари Анвар М. ва Убайдулла У.ни чорлаб, эски хунарини бошлайди. Аввалига электр симёғочлардан алюминий симлар ўғирланади, электр сув насосларининг рангли металлдан тайёрланган қисмлари ечиб олинади. Уларни сотиб яхшигина “даромад” қилган шериклар мол ўғирлашга ўтишади. Қорамол, қўй-эчкиларни бозорга олиб бориш учун

Дастлабки қўйлар машина-

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлими бошлиғи, милиция подполковниги **Исо РАСУЛОВ**нинг бевақф вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ИХХБ бошлиғи, милиция подполковниги С. Ишонқуловга укаси **Қудрат ИШОНҚУЛОВ**нинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Х. Жамоловга падари бузруквори **ШАҲОБ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Исмоиловга падари бузруквори **АЛИЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Салор шаҳарча милиция бўлиминиси паспорт столи бошлиғи, милиция майори М. Тўраевага онаси **МУЯССАРХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги **Маҳмуджон ТОЖИБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги **Тоҳиржон ДАДАБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мақтаби раҳбарияти ва жамоаси мактаб нашриёт бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Ш. Шомуротовга падари бузруквори **ОЛЛОБЕРГАН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби шаҳар ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги С. Исмоиловга падари бузруквори **АЛИЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Е. Қудабоевга онаси **ФАЙЗИ аянинг** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Олов — тилсиз ёв!

ЁНГИН ХУШЁРЛИККА УНДАЙДИ

Мирзо Улугбек туманидаги хонадонларнинг бирида электр симларининг носозлиги туфайли 100 квадрат метр майдонда ёнгин содир бўлди. Натижада уйнинг томи, айвон ва болалар хонаси ёниб кетди. Жанговар бўлинма ходимлари жароҳат олган саккиз ёшли Юляни олов ичидан қутқариб, шифохонага жўнатишди. Аммо тўрт ёшли Фёдор жароҳати оғир бўлгани сабабли касалхонада вафот этди.

Шунга ўхшаш воқеа Чилонзор туманида ҳам қайд қилинди. Ут учирувчилар ёнгини бартараф этиш жараёнида хонадон ичидан аёл ва эракнинг жасадларини топишди. Мутахассисларимиз ўчирилмаган телевизор ёнгини келтириб чиқарганлигини аниқлашди. Яккасарой туманида жойлашган уйнинг ҳаммомини иситиш печи меъёридан ортиқча қизиб кетганлиги боис ёнгин содир бўлган. Пировардида, 23 ёшли Бахтиёрнинг

умри завол бўлди, хонадон кўп микдорда моддий зарар кўрди. Кўришиб турибдики, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, ёнгинга қарши чора-тадбирларга лоқайдлик билан муносабатда бўлиш фожиали оқибатларга олиб келмоқда. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар пойтахтимизда 523 маротаба ёнгин содир бўлди. Ёнгинлар туфайли 15 нафар ҳамшаҳаримиз ҳаёт билан видолашишди.

Биргина Юнусобод туманида шу йилнинг 5 ойи мобайнида 77 та ёнгин ҳодисаси қайд этилди. Аҳоли турар-жойларида содир бўлаётган ёнгинлар таҳлил қилинганда, фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билсалар-да, унга бефарво қарашаётгани ойдинлашмоқда. Бу эса моддий зиён кўришлари, турли даражада тан жароҳатлари олишлари, яқинларининг оламдан бевақт ўтишларига сабаб бўлмоқда. Кези келганда шунга таъкидлаш

жоизки, айрим ҳамшаҳарларимиз маиший чиқиндиларни махсус жойларга эмас, балки уйларнинг ёнвери ва ариқ четларига ташлаб кетишмоқда. Натижада назоратсиз қолган болалар уларни ёқиб, турли хил кўнглисизликларни келтириб чиқаришапти.

Ёнгиннинг олдини олиш борасида ходимларимиз кенг кўламда сазй-ҳаракатлар қилишапти. Маҳаллаларда, мактаб ва болалар боғчалари, ўқув юртлари ҳамда аҳоли гавжум жойларда доимий равишда учрашувлар ўтказаямиз. Ҳар бир фуқаро ўзининг яшаш ва иш жойида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Уйдан, ишхонадан чиқаётганда газ жиҳозлари, дазмол, телевизор каби электр асбобларни ўчиришни ҳеч қачон унутмаслик керак.

М. РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЕҲБ муҳандиси.

Биласизми?

ГАЗЕТА – РЎМОЛЧА

Даврга қараб газета босиладиган материал ҳам ўзгариб турган. Чунончи, Францияда мақолалар юпқа қилиб ёйилган хамирга, истеъмол қилса бўладиган бўёқ билан чоп этилган. Бошқа бир француз газетаси эса юпқа резинага босилган. Уни чўмилаётган пайда ҳам бемалол ўқийвериш мумкин бўлган.

Испанияда чиқадиган бир газетани қоронғида ҳам бемалол ўқишаверган. Чунки унинг ҳарфлари ўзидан нур таратиб турган.

Англияда газета қоғози ўрнини мато эгаллаган. У ўқиб бўлингач, рўмолча сифатида фойдаланилган.

ТЕЛЕГРАФ ИХТИРОЧИЛАРИ

Симли телеграф такомиллашуви турлича кечди. 1855 йилда инглиз ихтирочиси Д. Юз яратган ҳарф босувчи қурилма кенг тарқалиб кетди. Тажрибали телеграфчи бир дақиқада 40 та гача сўзни узатган экан. Аммо бу тезлик ундан фойдаланувчиларни қониқтирмади ва хабарни олдиндан қайд эта олувчи махсус қурилма яратишга тўғри келди.



Бунга инглиз ихтирочиси Ч. Уитсон муваффақ бўлди. У 1858 йили Морзе алифбосидаги нуқта ва чизиқларга мос ҳолда телеграф қоғоз тасмасини уриб тешадиган қурилма-перфоратор яратди. Айни вақтда ихтирочи узатгич лойиҳасини ҳам тузган эди.

Яна бир ихтирочи – Стирис 1817 йилда иккиёқлама дифференциал шошлинчнома узатишни йўлга қўйди. Бунда хабарлашётган икки томон бир вақтнинг ўзида ҳам хабар узатиб, ҳам қабул қила олиш имконига эга бўлган. Битта телеграф йўналишига кетма-кет биттадан ортиқ шошлинчнома бериш ёки қабул қилиш муаммосини фаранг муҳандиси Ж. Бодо ҳал эта олди. Европада асосан Бодо қурилмаси қўллана бошланган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК

Ёнгинлар одатда яшаш ва иш жойларида кўпроқ содир бўлади. Уларнинг аксарияти воқеа етмаганлар билан боғлиқ эканлиги ташвишлидир. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ҳамза тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Агарда болажонларимизнинг ота-оналари офатнинг

олдини олишга ўз ҳиссаларини кўшишса кўплаб кўнглисизликлар рўй бермаган бўларди. Чунки кўпгина катталар юмушлар билан банд бўлгани учун уларнинг фарзандлари қаровсиз қоладилар. Натижада гургут ўйнаб, газ, электр асбоблардан фойдаланишга уринишади. Бу эса кўнглисиз воқеаларга олиб келади.


Ҳамза тумани "Лисунов-1" даҳаси 123-уй 215-хонадонда

яшовчи ака-ука Семён ва Рустам Логутинлар ахлат ташлайдиган жойда олов ўйнаб юзи куйиб, тан жароҳати олганлар.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш ва юқорида кўрсатилган кўнглисиз ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслиги учун ёнгин хавфсизлиги талабларига мунтазам риоя қилишимиз керак.

О. ЙЎЛДОШЕВ,
ички хизмат капитани.

«ЖУРНАЛИСТИКА» КРОССВОРДИ



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН «ФУТБОЛ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. "Насаф". 2. Лоран. 3. Кубок. 4. "Бохум". 5. Тотти. 6. Ницца. 7. Ахбор. 8. "Олтой". 9. Нонда. 10. Айала. 11. Макай. 12. Ҳакам. 13. Финал. 14. Росси. 15. "Челси". 16. "Интер". 17. "Зенит". 18. Зидан. 19. Туп. 20. "Пахтакор". 21. Роналдо. 22. Очко. 23. Овермарс. 24. "Сўғдиёна". 25. "Ацтек". 26. "Арсенал". 27. Леонидас. 28. "Сантос". 29. "Спартак". 30. "Коломб". 31. "Бешикташ". 32. Шевченко. 33. "Осер". 34. "Рома". 35. Ан. 36. "Нефчи". 37. Ивашкевич. 38. Чилаверт.

Муҳтарам муштарийлар! Маънолари куйида таърифлаб берилган йигирма тўртта сўзни топиб, уларни кроссворд шаклининг тик қаторларига тартиб билан ёзиб чиқинг.

1. Босмахона шрифти. 2. Даврий нашрлар. 3. Ўзбек журналистикаси тарихига оид дарслик ва илмий асарлар яратган олим, журналист. 4. Республикамизнинг атоқли журналистларидан бири, жамоат ва давлат арбоби. 5. Журналистика жанри. 6. Газета ёки журнал таҳририяти раҳбари. 7. Вақтли матбуот муассасасининг штатидаги ижодий ходим. 8. Босма нашр нусхаларининг умумий сони. 9. Кўпинча радио, телевидение орқали бериладиган материаллар муаллифи. 10. Публицистика жанри. 11. Объектив, реал ҳақиқат. 12. Матндаги хато ва камчиликларни ким тузатади? 13. Китоб, газета ва журналлар тайёрлаб чиқариладиган корхона. 14. Таниқли ўзбек журналисти, ёзувчи ва ҳуқуқшунос олим. 15. Янги топишмоқлардан: "Муштарий бўлсангиз сиз унга агар, Мунтазам келтирар кўп янги хабар". 16. Буюк Британиядаги қўндалик газета. 17. Бирор воқеа ёки шахс ҳаётининг муҳим бир даври ҳақидаги мақола. 18. Бирор нашрга обуна бўлган ёки уни сотиб олиб ўқувчи шахс. 19. Газета, журнал жанри. 20. Оммавий ахборот воситалари тизимидаги ихтисослашган муассаса. 21. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида "Postda" – "На посту" газеталарига ким муҳаррир бўлган? 22. Матбуот, телевидение, радиоэшиштирув таҳриратларида фаолият кўрсатувчи ижодкор ходим. 23. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрларидан бирининг номи. 24. Терилган матнлар, сарлавҳалар ва расмлардан газетанинг бетларини тузиб чиқиш жараёни.

Агар жавоб сўзларнинг ҳаммаси тўғри топиб ёзилса, кроссворд шаклининг иккитаси куюқ чизиқ орасидаги ўрта қаторида оммавий ахборот ва тарғиботнинг асосий воситаларидан бири ҳақидаги жумлани ўқийсиз.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

<p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o‘rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. muhbirlar bo‘limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 2021000700447980001, MFO 00421. «lpak yo‘li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi.</p>	<p>• Ko‘chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko‘rsatish shart • Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. • Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180 Tashkilotlar uchun – 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosishga topshirish vaqti – 20.00. Bosishga topshirildi – 20.00.</p>
<p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir o‘rinbosari v.b. Murod TILLAYEV Mas‘ul kotib R. BERDIYEV</p>	<p>Navbatchi S. SHAMSIDDINOV Sahifalovchi Z. BOLTAYEV Musahhif G. XOLIQOVA</p>	<p>E-mail: urmvd@globalnet.uz</p>	<p>Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo‘mitasida 00007 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma G – 489. Hajmi – 4 bosma taboq. Bosilish – ofset usulida. 42507 nuxxada chop etildi.</p>	<p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko‘chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.</p>